



Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши хузуридаги
Судьялар олий мактаби

**ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА
БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИДА
СУД МАЖЛИСИНИ ОЛИБ
БОРИШ ВА БАЁННОМА
ЮРИТИШ ТАРТИБИ**


АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ
КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ**

**ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА БИРИНЧИ
ИНСТАНЦИЯ СУДИДА СУД МАЖЛИСИНИ ОЛИБ
БОРИШ ВА БАЁННОМА ЮРИТИШ ТАРТИБИ**

Амалий қўлланма



ТОШКЕНТ-2019

УЎК 343.71(075)

КВК 67.411

Ф 18

Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция судада суд мажлисини олиб бериш ва бидномасини юритиш тартиби. Амалий қўлланма. / Н.Абдурахманова, М.Тажибоев, Р.Хошимов, А.Маматов, З.Солиева / Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби. «Lesson press» нашриёти. - Тошкент, 2019 й. 88 б.

Мазкур қўлланма амалдаги қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция судларида суд мажлисини олиб бериш ва бидномасини юритиш тартиби бўйича ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида тайёрланган.

Шунингдек, қўлланмада даъво аризаларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш тартиби, босқичлари берилган.

Қўлланма судьялар, судья ёрдамчилари, судьялик лавозимларига номзодлар учун мўлжалланган.

Муаллифлар жамоаси:

Н.Абдурахманова, М.Тажибоев, Р.Хошимов, А.Маматов, З.Солиева

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби

Нашр учун масъул:

Арипов Дилшод Ўринбоевич,

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби директори ўринбосари,
юридик фанлар номзоди

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби,

Тошкент шаҳри, Чўпонота кўчаси, 6.

Телефон: (+998 71) 273-83-79

Мазкур нашр Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби кенгаши томонидан нашрга таъсия этилган ва bepул тарқатиш учун тайёрланган.

Қўлланмада келтирилган мисоллардаги номлар, саналар ва далиллар ўзгартирилган. Ҳар қандай мос келишлар тасодифий ҳисобланади.

ISBN 978-9943-6261-8-7

© Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби, 2019

МУНДАРИЖА

Кириш	5
I. Биринчи инстанция суди томонидан аризани қабул қилиш ҳамда суд мажлисини олиб бориш тартиби	7
1.1. Аризани иш юритувига қабул қилиш ва иш кўзгатиш.....	7
1.2. Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш ва тайинлаш.....	12
1.3. Ишни мазмунан кўриш	15
1.4. Фуқаролик ишларини сайёр суд мажлисларида кўриш	30
1.5. Суд музокаралари ва тарафларнинг луқмалари.....	36
1.6. Ҳал қилув қарорини ўқиб эшиттириш тартиби	39
1.7. Ҳал қилув қарорини суд иштирокчиларига тушунтириб бериш тартиби.....	44
II. Суд мажлиси баённомаси	47
2.1. Суд мажлиси баённомасини тузишнинг аҳамияти...47	
2.2. Судья ёрдамчиси (катта ёрдамчиси) бажариши лозим бўлган ҳаракатлар ва вазифалар	53
III. Яқуний қоидалар.....	57
3.1. Суд мажлисларининг муайян босқичларини ўтказиш тартиби.....	61
3.2. Суд мажлиси баённомаларининг намуналари	71

МАЗМОНА

Кирити.....

I. Биринчи китоби.....

1.1. Арабча ва тоҷикча.....

1.2. Номини китоб.....

1.3. Номини китоб.....

1.4. Фурқани китоб ва китоб.....

1.5. Қўл китоб ва китоб.....

1.6. Қўл китоб ва китоб.....

1.7. Қўл китоб ва китоб.....

II. Китоб ва китоб.....

2.1. Қўл китоб ва китоб.....

2.2. Қўл китоб ва китоб.....

III. Китоб ва китоб.....

3.1. Қўл китоб ва китоб.....

3.2. Қўл китоб ва китоб.....

Кириш

Суднинг вазифаси иш бўйича қонуний ва адолатли қарор қабул қилишдир. Фуқаролик суд ишини юритиш жараёнининг ушбу асосий тамойилларидан келиб чиқиб, суд мустақиллик, ҳолислик, ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, процессуал ҳаракатлар оқибатлари тўғрисида огоҳлантириш, тўлиқ ва кенг қамровли далилларни ўрганиш, ишнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш ва фуқаролик низоларини кўриб чиқиш ва ҳал этишда қонуннинг тўғри қўлланилишига асосланади.

Маълумки, сўнгги йилларда қонунчилик базаси сезиларли даражада такомиллашди, ҳуқуқнинг янги соҳалари пайдо бўлди, ҳуқуқни қўллаш жараёни янада мураккаблашди, бу суд органлари олдига янада масъулиятли вазифаларни қўйди.

Фуқаролик суд ишларини юритишнинг барча босқичларида судьянинг тўғри ва адолатли раҳбарлиги, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахснинг муаммоларини муваффақиятли ҳал этишга имкон беради.

Суд мажлисининг баённомаси суд мажлисида амалга оширилган барча процессуал ҳаракатларни акс эттирувчи муҳим ҳужжат ҳисобланади. Унинг тузилишига алоҳида эътибор берилиши лозим. Чунки юқори турувчи судлар томонидан фуқаролик ишининг тўғри юритилганлиги, процессуал меъёрларга амал қилинганлиги асосан баённома орқали текширилиши мумкин бўлади.

Суд мажлиси юритишнинг қонунийлигини аниқлашда суд мажлиси баённомаси муҳим далил ҳисобланади, шунинг учун суднинг ҳаракатлари ва қарорлари, шунингдек, суд мажлиси давомида иштирокчиларнинг кўрсатув ва тушунтирувлари баённомада тўлиқ ва тўғри ёзиб борилиши керак.

Суд амалиётида баъзан суд мажлиси баённомаларига етарли даражада эътибор бермаслик ҳоллари учраб туради. Баённомаларнинг ногўғри олиб борилиши суднинг ҳал қилув қарорининг бекор қилинишига ёки ўзгартирилишига сабаб бўлади.

Ушбу қўлланма Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби томонидан тайёрланган бўлиб судьялар ва уларнинг ёрдамчилари учун мўлжалланган.

Қўлланма аризани қабул қилиш босқичидан бошлаб суд мажлисини ўтказишнинг муҳим жиҳатларини, фуқаролик ишлари бўйича суд мажлиси баённомасини тузиш ва юритиш жараёнини ёритиб берган ҳолда судьялар ва судья ёрдамчилари иш фаолиятида ёрдам беради.

**Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби**

1. БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИ ТОМОНИДАН АРИЗАНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҲАМДА СУД МАЖЛИСИНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ



1.1. Аризани иш юритувига қабул қилиш ва иш қўзғатиш

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш кафолатланилиши белгилаб қўйилган¹.

Маълумки, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ва эркинликлари, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлашда фуқаролик ишлари бўйича судлар алоҳида аҳамият касб этади.

Судга мурожаат қилишда бирон-бир чеклашлар мажуд эмас, ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки инзолашилаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун фуқаролик суд ишларини

¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 3-моддаси

юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқаролик ишлари бўйича судга (бундан буён матнда суд деб юритилади) мурожаат қилишга ҳақлидир, судга мурожаат қилиш даъво аризи ёки ариза кўринишида амалга оширилади.

Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичи Фуқаролик процессуал кодексининг (бундан буён матнда ФПК деб юритилади) 193-молдасига кўра, судья аризани қабул қилиб, фуқаролик ишнинг кўзга тушганидан сўнг бошланади. Мазкур босқич бошлангунига қадар судья даъво аризасини иш юритишга қабул қилишни рад этиш ёки даъво аризасини даъвогарга қайтариш каби ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли бўлади.

Аризаларни уларнинг тоифасидан келиб чиққан ҳолда судда кўришнинг ўзига хос хусусиятлари ва талаблари процессуал қонунчиликда берилган бўлиб, уларга қатъий риоя қилиш мақсадга мувофиқ.

Процессуал қонунчилик талабларига кўра, шахс томонидан судга мурожаат қилишда белгиланган талабларга риоя қилмаганлиги ушбу талабнинг асоссиз эканлигини англатмайди ҳамда ариза қайтарилган тақдирда ҳам шахс такроран судга мурожаат қилиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Бундан ташқари, шахс томонидан арз қилинган талаб турини тўғри танлаши давлат божи тўловини тўғри белгилашда, аризининг тўғри тузилишида ҳам аҳамиятлидир.

Судья аризани иш юритишига қабул қилиш тўғрисидаги, қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш ҳақидаги масалани ариза судга келиб тушган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай яқка тартибда ҳал этади. (ФПКнинг 192-м.).

Судья ФПКда назарда тутилган талабларга риоя этган ҳолда берилган аризани иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиши шарт.

Бунда даъво аризаси беришда давлат божини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат бериш тўғрисидаги ногимоснома мавжуд бўлган тақдирда, судья ўзининг ажрими билан ушбу масалани ҳал қилади.

ФПКнинг 194-моддасига кўра, суд аризани иш юритишга қабул қилишни қуйидаги ҳолларда рад этади, агар:

- 1) арз қилинган талаб судга тааллуқли бўлмаса;
- 2) фуқаролик ишлари бўйича суднинг, иқтисодий суднинг ёки маъмурий суднинг ёхуд чет давлат ваколатли судининг айти бир тарафлар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки даъвогарнинг арз қилинган талабларидан воз кечишини қабул қилиш тўғрисидаги ёхуд тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш ҳақидаги ажрими мавжуд бўлса;
- 3) фуқаролик ишлари бўйича суднинг, ҳакамлик судининг иш юритишида айти бир тарафлар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд бўлса;
- 4) айти бир шахслар ўртасида, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича низо юзасидан ҳакамлик судининг қабул қилган, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бўлса, бундан фуқаролик ишлари бўйича суд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини беришни рад этган ҳоллар мустасно;
- 5) айти бир шахслар ўртасида, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича низо юзасидан ҳакамлик муҳокамасини тугатиш тўғрисида чиқарилган ажрим бўлса, бундан ҳакамлик судида ушбу низога кўриб чиқиш ваколати мавжуд эмаслиги сабабли ҳакамлик муҳокамаси тугатилганлик ҳолати мустасно.

Судьянинг ушбу моддада назарда тутилган асослар бўйича аризани иш юритишга қабул қилишни рад этиши судга иккинчи марта мурожаат этишга тўсқинлик қилади.

Агар талаб судга тааллуқли бўлмаса, ажримда судья аризачи қайси органга мурожаат қилиши лозилигини кўрсатиши шарт.

ФПКнинг 195-моддасига кўра, судья аризани ва унга илова қилинган ҳужжатларни куйидаги ҳолларда қайтаради, агар:

- 1) ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса;
- 2) манфаатдор шахс номидан берилган ариза иш юритиш ваколатига эга бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса;
- 3) иш мазкур суднинг судловига тегишли бўлмаса;
- 4) ариза ФПКнинг 189-моддасида белгиланган талабларга риоя этилмаган ҳолда берилган бўлса;
- 5) битта аризада бир ёки бир нечта жавобгарга нисбатан бир нечта талаб бирлаштирилган бўлса, башарти бу талаблар ўзаро боғлиқ бўлмаса;
- 6) иш юритишга қабул қилиш ва ишни қўзғатиш тўғрисида ажрим чиқарилгунга қадар аризачидан аризани қайтариш ҳақида ариза келиб тушган бўлса;
- 7) давлат божи белгиланган тартибда ва миқдорда тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмаган бўлса, давлат божини тўлашни кечиктириш мумкинлиги қонунда назарда тутилган ҳолларда эса бу ҳақда илтимоснома мавжуд бўлмаса ёки илтимоснома рад этилган бўлса;
- 8) мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш тўғрисидаги ариза қонунда белгиланган муддатдан олдин ёки қонунда назарда тутилган мол-мулкни (ашёни) аниқлаш ва ҳисобга олиш тартиби бузиб берилган бўлса;
- 9) даъвогар низони жавобгар билан медиация тартиб-таомилини амалга ошириш орқали ҳал қилиш тартибига риоя этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса,

башарти бу мазкур тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса.

Аризани қайтариш тўғрисидаги ажрим- устидан, шикоят (протест) келтирилиши мумкин. Ажрим бекор қилинган тақдирда, ариза судга дастлабки мурожаат қилинган кундан берилган ҳисобланади.

Аризани қайтарилиши йўл қўйилган камчиликлар баргараф этилгандан кейин судга умумий тартибда такроран мурожаат қилишга тўсқинлик қилмайди.

Фуқаролик процессуал қонунчилиги судларга нафақат ишни тўғри ҳал қилиш вазифасини, балки ишни тез ва сифатли кўриб ҳал қилиш вазифасини ҳам белгилайди. Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлашга бу ҳақда судья ажрим чиқаргандан киришилади ва шу пайтдан бошлаб муддатнинг ўтиши бошланади. Бу қоида меҳнат, никоҳни бекор қилиш, алимент ундириш ва ҳоказо фуқаролик ишлари учун ҳам бевосита таътилқлидир.

Судья ишни етарли даражада тайёрланган деб топгач, уни суд мажлисида кўришга тайинлаш тўғрисида ажрим чиқаради, тарафлар ва процесснинг бошқа иштирокчиларига ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида маълум қилади.

1.2. Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш ва тайинлаш

Фуқаролик тартибида судда иш юритишнинг мақсади бузилган ҳуқуқларни қонуний ва асосли ҳал қилув қарори чиқариш ҳамда унинг ижросини таъминлаш орқали тиклаш бўлиб, суд ушбу вазифаларни муайян босқичлардан ўтмасдан туриб, дарҳол ҳал этиш имконига эга эмас. Ушбу жараёнда фуқаролик ишини судда кўришга тайёргарлик босқичи алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у аризанинг суд томонидан қабул қилиниши ва фуқаролик иши кўзгатилиши билан бошланади. Ишни судда кўришга тайёрлаш – фуқаролик ишларини ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилишни таъминлаш мақсадида суд ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал ҳаракатларининг мажмуини ўзида ифода этувчи биринчи инстанция судида иш юритишнинг мустақил босқичи ҳисобланади.

Судья аризани қабул қилиш ва иш кўзгатиш тўғрисида ажрим чиқарганидан сўнг ишни ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш мақсадида уни суд муҳокамасига тайёрлайди.

Ишни судда кўришга тайёрлаш суд муҳокамасининг асоси ҳисобланиб, суд муҳокамасининг якуний натижаси кўп жиҳатдан ушбу босқичнинг сифатига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида”ги 26-сонли қарорга кўра, судья аризани иш юритишга қабул қилиш ва иш кўзгатиш тўғрисида ажрим чиқарганидан сўнггина, ишни суд муҳокамасига тайёрлашга киришиши шарт (ФПКнинг 201-моддаси).

Назарда тутиш лозимки, ФПКнинг 201-моддасида кўрсатилган ишни суд муҳокамасига тайёрлашнинг ҳар-бир вазифаси процесс ушбу босқичининг мажбурий белгиси ҳисобланади. Тайёрлаш вазифаларидан бирортаси бажарилмаслиги суд муҳокамасининг асоссиз чўзилишига ва суд хатоллигига олиб келиши мумкин.

Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш у ёки бу тоифадаги ишлар (меҳнат, оила, уй-жой, ер ва бошқалар)нинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Жумладан, ходимни ишга тиклаш ҳақидаги ишларни суд муҳокамасига тайёрлашда, ғайриқонуний равишда вазифасидан бўшатилган ёки бошқа ишга ўтказилган ходимга иш ҳақини тўлаш натижасида келиб чиққан зарарни қоплаш мақсадида меҳнат шартномасини бекор қилишга ёки бошқа ишга ўтказишга фармойиш берган мансабдор шахсни аниқлаш ва уни учинчи шахс сифатида жавобгар тарафида ишда иштирок этиш учун жалб қилиш лозим.

ФПКнинг 205-моддасига мувофиқ судья иш етарли даражада тайёрланган деб топгач, уни суд муҳокамасига тайинлаш тўғрисида ажрим чиқаради. Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш ҳақидаги ажримда суд томонидан кўрсатилган барча ҳаракатлар бажарилган тақдирдагина иш суд муҳокамасига тайёрланган деб ҳисобланиши лозим.

Фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлаш ариза қабул қилинган ва фуқаролик иши кўзғатилган кундан эътиборан ўн кунлик муддатдан кечиктирмай амалга оширилиши, алоҳида ҳолларда, бу муддат ўта мураккаб ишлар бўйича судьянинг асослангирилган ажримига биноан йигирма кунга узайтирилиши мумкинлиги ФПКда белгиланган.

Судларнинг эътибори судья ёрдамчисининг ФПКнинг 206-моддасида назарда тутилган, шунингдек судьянинг топширигига биноан ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичидаги бошқа ҳаракатларни ўз вақтида ва сифатли амалга

ошириш борасидаги масъулиятини ошириш лозимлигига қаратилиши керак.

Суд амалиётида муҳокама қилинаётган қоидалардан бири ишни кўриш муддатини қайси санадан бошланиши ҳақидаги қарашлардир. ФПКнинг 207-моддасига мувофиқ ишлар суд муҳокамасига тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай суд томонидан кўрилади ва ҳал қилинади ҳамда тарафлар ва суд процессининг бошқа иштирокчиларини ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиш юзасидан чоралар кўрилади деб кўрсатилган. Шунга кўра, ишни кўриш муддатини белгилаш фуқаролик ишини суд муҳокамасига тайёрлаб бўлиб, ишни суд муҳокамасига тайинлаш ажрими қабул қилинган санадан бошланишини англамоқ лозим.

Ишни суд мажлисида муҳокама қилишга тайинлашда судья суд чакирув хатларни суд процесси иштирокчиларига етиб бориши учун етарли муддат белгилаган ҳолда суд мажлиси санасини белгилаши лозим. Суд чакирув хатларини почта алоқаси орқали етиб боришини оддий хат ёки буюртма хатларни манзилга етказиш муддатларини эътиборга олган ҳолда тайинлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

1.3. Ишни мазмунан кўриш

Фуқаролик ишларини мазмунан кўриб ҳал қилиш учун жорий этиладиган муддатлар ФПКда белгиланган ва шу тартибда амалга оширилади. ФПКнинг 207-моддасида фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва кўриш муддатлари белгиланган бўлиб, унга мувофиқ ишлар суд муҳокамасига тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай суд томонидан кўрилади ва ҳал қилинади. Бу муддат ўта мураккаб ишлар бўйича судьянинг асослантирилган ажримига кўра икки ойгача узайтирилиши мумкин, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ишлар мустасно.

Алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етказилганлиги, шунингдек боқувчисининг вафот этганлиги муносабати билан етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ишлар ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича ишлар суд муҳокамасига тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан йигирма кундан кечиктирмай биринчи инстанция суди томонидан кўрилиши лозим.

Суд мажлиси котиби суд мажлисига тайинланган ишлар рўйхатини тузади, суд мажлисида кўришга тайинланган ишлар бўйича даъвогар, жавобгар, эксперт, гувоҳ ҳамда таржимонларнинг судга келиши ҳақида чақирув қоғозлари ёзади ва юборади ёки ахборот тизими орқали электрон тарзда хабардор қилади. Шунингдек, иш кўриладиган кун ҳақида прокурор, адвокат ва жамоатчилик вакилларига хабар қилади.

Зарурат туғилган ҳолларда санаб ўтилган шахслар суд мажлисига телефонограмма ёки телеграмма орқали чақирилиши ҳам мумкин.

Суд мажлиси котиби суд чақирув қоғозлари тегишли шахсларга топширилганлигини кузатиб боради. Суд чақирув қоғозлари чақирилувчига топширилган ёки топширилмаганлиги қайд қилинган тегишли қисми ишга тикилади.

Юборилган чақирув қоғозлари чақирилувчига етказилмаган ёки топширилмаган тақдирда суд мажлиси котиби унинг сабабларини аниқлаб, иш бўйича раислик этувчига маълум қилиши ва унинг топшириғига асосан чақирув қоғозини чақирилувчига етказиш чораларини кўриши лозим.

Суд мажлиси ўтказилишидан камида уч кун олдин суд мажлиси котиби кўришга тайинланган ишларнинг рўyxатини тузади. Уни олдиндан белгилаб қўйилган, ҳаммага кўринадиган қулай жойга илиб қўйиши лозим.

Процессуал қонунчилик талабларига мувофиқ, фуқаролик иши ишда иштирок этувчи шахсларни албатта хабардор қилган ҳолда суднинг очиқ мажлисида кўрилади. Ёпиқ суд мажлиси қонунда назарда тутилган ҳолларда ишда иштирок этувчи шахсларнинг талаби билан ёки суднинг ташаббуси билан ўтказилади.

Суд мажлисини очиш (ФПКнинг 210-моддаси)

Ишни муҳокама қилиш учун тайинланган вақтда судья мажлис залига киради, суд мажлисини очади ва қайси иш кўрилиши лозимлигини эълон қилади. *Масалан:* "Суд мажлиси очиқ деб эълон қилинади. Даъвогар Замира Акбаровна Анваровани жавобгар Зокир Шавкатович Анваровга нисбатан умумий мол-мулкни бўлиш ҳақидаги фуқаролик иши кўрилади."

Ушбу ҳаракатни раислик килувчи ишда иштирок этувчи шахслардан бирортаси суд мажлисига келмаган тақдирда ҳам бажариши лозим.

Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилишидан кўзда тутилган мақсадлардан бири ишни судда кўриш жараёнида суд муҳокамаси иштирокчиларининг белгиланган тартибга риоя қилишлари, одил судловга нисбатан

хурмат билан муносабатда бўлишлари ҳамда суднинг талабларига мажбурий тартибда бўйсунтиришларини таъминлашдан иборатдир. Суд муҳокамаси тарафлари ўртасида, одатда, ўзаро низо бўлиши сабабли ушбу жараёнда тартибни сақлаш муҳим аҳамият касб этади.

Суд мажлисининг котиби мазкур иш бўйича чиқарилганлардан кимлар келганлигини, келмаганларга суднинг чиқарув қоғозлари ёки бошқа хабарномалар топширилган-топширилмаганлигини (етказиб берилганлигини) ва уларнинг келмаганлиги сабаблари тўғрисида қандай маълумотлар берилганини судга маълум қилади.

Даъво тартибида кўриладиган фуқаролик ишларида тарафлар процесс иштирокчилари ичида марказий ва асосий ўринни эгаллайди. Айнан тарафлар фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган келишмовчиликларнинг манбаи ҳисобланади, уларнинг ташаббуси билан фуқаролик суд ишларини юритиш қўзғатилади, айнан улар ўртасида келишув битимининг тузилиши иш юритишни тугатишга олиб келади ва ҳоказо.

Тарафлар ҳуқуқ ёки қонун томонидан муҳофаза қилинадиган манфаат ҳақидаги баҳслар бўйича фуқаролик ишларида иштирок этувчи шахсларнинг асосий гуруҳи ҳисобланади. ФПКнинг 43-моддаси биринчи қисмига биноан даъвогар ва жавобгар фуқаролик процессининг тарафларидир. Демак, фуқаролик процессида икки тараф: даъвогар ва жавобгар иштирок этади. Бу ўринда ҳар икки томонда неча шахс иштирок этиши аҳамиятга эга эмас.

Одатда, ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолаштирилган ҳуқуқни ёхуд қонун билан қўриқладиган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли бўлади (ФПКнинг 3-моддаси иккинчи қисми).

Тарафлар ва учинчи шахслар номидан тушунтиришларни уларнинг вакиллари беришлари мумкин.

Суд келганларнинг шахсини аниқлайди, шунингдек мансабдор шахслар ва вакилларнинг ваколатини текширади.

Раислик қилувчи суднинг таркибини эълон қилади, прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон, суд мажлисининг котиби сифатида кимлар иштирок этаётганлигини маълум қилади ва ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг рад қилиш тўғрисида ариза бериш ҳуқуқини тушунтиради.

Таржимонга унинг вазифасини тушунтириш суд мажлисининг бошида амалга оширилади, шунда суд иши юритиладиган тилни билмайдиган шахслар, процесс давомида қилинган барча процессуал ҳаракатлар тўғрисида маълумот олишга эга бўлади. Таржимон бўлмаган ҳолда тарафлар ва ишда қатнашаётган шахслар бундай имкониятдан маҳрум бўлади, чунки таржимон суд топширган вазифаларни фақат ФПКнинг 64-моддасида кўзда тутилган ҳаракатлар амалга оширилгандан кейин бошлайди. Раислик қилувчи таржимонга қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради:

- **ҳуқуқлари:** таржимани аниқлаштириш мақсадида суд мажлиси иштирокчиларига саволлар бериш; агар таржима қилиш учун тегишли билимга эга бўлмаса, суд муҳокамасида иштирок этишни рад этиш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш; суд мажлиси баённомасига киритилган таржиманинг тўғрилиги юзасидан эътирозлар тақдим этиш.

- **мажбурияти:** таржимани тўлиқ ва тўғри амалга ошириш, суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиш.

Таржима қилишдан асоссиз равишда бош тортганлик, шунингдек суд узрсиз деб топган сабабларга кўра суднинг чакируви бўйича келмаганлик учун таржимон ФПКнинг 146-моддаси-да белгиланган тартибда жаримага тортилади.

Жарима солиниши таржимонни судга келиш ва таржима қилиш мажбуриятидан озод этмайди.

Таржимон била туриб нотўғри таржима қилганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 238-моддасига мувофиқ жиноий жавобгар бўлади, бу ҳақда у суд томонидан тилхат олиб огоҳлантирилади.

Раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради. Бу ҳақда суд мажлисининг баённомасида кўрсатилади.

Сўнгра раислик қилувчи даъвогардан ўз талабларини қувватлаш-қувватламаслигини, жавобгардан даъвогарнинг талабларини тан олиш-олмаслигини ва тарафларнинг ишни келишув битими билан тамомлашни исташ-истамаслигини сўрайди (ФПКнинг 225-моддаси).

Даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлиги, жавобгарнинг даъвогар талабларини тан олганлиги ёки тарафларнинг келишув битими шартлари суд номига йўлланган, ишга қўшиб қўйиладиган ёзма аризаларида ифода этилган бўлиши лозим бўлиб, бу суд мажлиси баённомасида кўрсатилади. (ФПКнинг 226-моддаси).

Раислик қилувчи ишни кўриш жараёнида тарафларнинг ва бошқа манфаатдор шахсларнинг тушунтиришларини бериш кетма-кетлигига қатъиян эътибор қаратиши керак. Биринчидан, иш тўғрисида маъруза қилинганидан сўнг суд даъвогар ва унинг тарафида иштирок этувчи учинчи шахснинг, жавобгар ва унинг тарафида иштирок этувчи учинчи шахснинг, шунингдек ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг тушунтиришларини эшитади.

Бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ариза берган прокурор, шунингдек бошқа шахслар арз қилган талаблари бўйича тушунтиришлар бериш ёки уларни асослаш учун биринчи бўлиб сўзга чиқади. (ФПКнинг 227-моддаси).

Ишда иштирок этувчи шахслар бир-бирига саволлар беришга ҳақли. Ишда иштирок этувчи ҳар бир шахснинг тушунтиришларини эшитиб бўлингандан сўнг, саволлар берилади. Саволларнинг тартиби ва уларнинг мазмуни раислик қилувчи томонидан назорат қилинади. Раислик қилувчи даъвогар томонидан арз қилинган талаблар доирасидан чиқиб кетган саволларни муҳокамадан чиқаради.

Раислик қилувчи томонидан муҳокамадан чиқарилган саволлар саволни берган шахснинг илтимосига биноан суд мажлисининг баённомасига киритилади.

Бундан кейин, суд далилларни текшириш тартибини белгилайди (ФПКнинг 228-моддаси).

Амалиётда далилларни текшириш гувоҳларни сўроқ қилишдан бошланади

Раислик қилувчи гувоҳни сўроқ қилишдан олдин унинг шахсини, ёшини, машғулоти турини, ушбу ишга алоқасини ҳамда тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар билан ўзаро муносабатларини аниқлайди, шунингдек уни била туриб ёлгон кўрсатув берганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 238-моддасига мувофиқ жавобгар бўлиши тўғрисида огоҳлантиради. Шундан кейин раислик қилувчи гувоҳга: «Иш юзасидан ўзимга маълум бўлган барча маълумотларни судга айтиб беришга қасамёд қиламан. Фақат ҳақиқатни, барча ҳақиқатни гапириб бераман, ҳақиқатдан ўзга нарсани гапирмайман» деб ошкора қасамёд қилишни таклиф этади.

Гувоҳдан унга ўз ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги тушунтирилганлиги тўғрисида тилхат олинади. Қасамёднинг матни ва тилхат суд мажлиси баённомасига қўшиб қўйилади.

Раислик қилувчи гувоҳга иш бўйича шахсан ўзи билган барча маълумотларни судга айтиб беришни таклиф қилади.

Шундан сўнг гувоҳга саволлар берилиши мумкин. (ФПКнинг 229-моддиси).

Суд мажлиси баённомасида иш муҳокамасининг ўқи алоҳида процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг барча муҳим жиҳатлари акс эттирилиши керак. Суд мажлиси баённомасида куйидагилар кўрсатилади:

1) суд мажлисида иштирок этувчи тарафларнинг ва вакилларнинг, шунингдек ишнинг натижаларидан манфаатдор бўлган бошқа шахсларнинг тушунтиришлари;

2) тарафларнинг тушунтиришларини бериш тартиби;

3) саволларнинг мазмуни ва уларга берилган жавоблар;

4) экспертларга берилган саволлар ва унинг жавоблари;

5) ишбўй ва ёзма далилларни текшириш натижалари;

6) давлат органларининг хулосалари ва жамоат ташкилотлари ва бошқа манфаатдор шахсларнинг фикри;

7) илтимосномалар, агар мавжуд бўлса ва уларни ҳал этиш тартиби.

Тарафларнинг тушунтиришлари эшитилганидан сўнг ишда мавжуд бўлган ҳужжатлар, жумладан мавжуд экспертиза хулосалари суд томонидан эълон қилинади ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасида кўрсатилиши керак бўлади.

Ёзма далилларни суд мажлисида ўқиб эшиттириш йули билан текшириш (ФПКнинг 233-235-моддалари)

Иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар, шартномалар, маълумотномалар, ишга оид ёзишмалар, рақамли, график ёзув шаклида бажарилган ҳужжатлар ва материаллар, шу жумладан факс, электрон ёки бошқа алоқа воситасида ёхуд ҳужжатнинг ҳақиқийлигини аниқлаш имконини берадиган ўзга усулда олинган бошқа ҳужжатлар ва материаллар ёзма далиллардир.

Ушбу ёзма далиллар ФПКнинг 76, 83, 103 ва 104-моддаларида назарда тутилган тартибда тузилади, уларни кўздан

кечириш баённомалари суд мажлисида ўқиб эшиттирилади ва ишда иштирок этувчи шахсларга, зарур ҳолларда эса, экспертлар, мутахассислар ҳамда гувоҳларга танишиш учун тақдим этилади. Шундан сўнг ишда иштирок этувчи шахслар ушбу далиллар юзасидан тушунтиришлар бериши мумкин.

Ёзма далиллар уларнинг мазмунидаги ноаниқликларни олдини олиш учун раислик қилувчи томонидан ўқилиши керак.

Фуқароларнинг ёзишмалари, телеграф хабарлари ва бошқа хабарларни сир сақлаш мақсадида уларнинг шахсий ёзишмалари, телеграф хабарлари ва бошқа хабарлари шу ёзишма, телеграф хабарлари ва бошқа хабарларни ўзаро алмашган шахсларнинг розилиги билан очиқ суд мажлисида ўқиб эшиттирилиши мумкин. Акс ҳолда бундай ёзишма, телеграф хабарлари ва бошқа хабарлар ёпиқ суд мажлисида ўқиб эшиттирилади ҳамда текширилади. (ФПКнинг 234-моддаси). Шундан кейин ишда иштирок этувчи шахслар тушунтириш беришлари мумкин.

Суд мажлиси баённомасида материалларнинг ўзига хос хусусиятлари акс эттирилади ва намойиш вақти кўрсатилади.

**Ашёвий далилларни текшириш (ФПКнинг 237-моддаси)
ёзма далилларни текширишдан ажралиб турадиган ўзига
хос хусусиятларга эга**

Ашёвий далиллар суд томонидан кўздан кечирилади ва ишда иштирок этувчи шахсларга, зарур ҳолларда эса экспертлар, мутахассислар ва гувоҳларга ҳам тақдим этилади.

Ашёвий далилларни тақдим этган шахслар кўздан кечириш билан боғлиқ бўлган у ёки бу ҳолатларга суднинг эътиборини қаратиши мумкин. Бундай аризлар суд мажлиси баённомасига киритилади.

ФПКнинг 76, 93, 103, 104 ва 239-моддаларида назарда тутилган тартибда тузилган ашёвий далилларни кўздан кечириш баённомалари суд мажлисида ўқиб эшиттирилади, шундан

кейин ишда иштирок этувчи шахслар ўз тушунтиришларини бериши мумкин.

Судга олиб келиш имкони бўлмаган ёзма ва ашёвий далиллар улар турган жойда кўздан кечирилади ва текширилади. Жойида кўздан кечиришни ўтказиш тўғрисида суд ажрим чиқаради.

Далилларни жойида кўздан кечириш суднинг бутун таркиби томонидан ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилган, зарур ҳолларда эса экспертлар, мутахассислар ва гувоҳларни чақирган ҳолда амалга оширилади.

Раислик қилувчи кўздан кечириш жойига етиб боргач, суд муҳокамаси давом эттирилиши тўғрисида эълон қилади, суд муҳокамаси ушбу Кодексда белгиланган қоидалар бўйича олиб борилади. Кўздан кечириш натижалари суд мажлиси баённомасига киритилади. Баённомага кўздан кечириш пайтида тушилган ёки текширилган барча режалар, чизмалар, суратлар, ҳисоб-китоблар, ҳужжатларнинг кўздан кечириш вақтида олинган кўчирма нусхалари, ёзма ва ашёвий далилларнинг видеоёзувлари, фотосуратлари, шунингдек эксперт хулосаси ва мутахассис маслаҳати илова қилиниши мумкин (ФПКнинг 239-моддаси).

Эксперт хулосасини текшириш (ФПКнинг 240-моддаси)

Экспертнинг хулосаси суд мажлисида ўқиб эшиттирилади, шундан кейин хулосани тушунтириш ва тўлдириш мақсадида экспертга саволлар берилиши мумкин.

Экспертиза кимнинг аризаси бўйича тайинланган бўлса, уша шахс ва унинг вакили биринчи бўлиб, кейин эса ишда иштирок этувчи бошқа шахслар саволлар беради.

Суднинг ташаббуси билан тайинланган экспертга биринчи бўлиб даъвогар саволлар беради.

Судья (судьялар) эксперт сўроқ қилинаётганида унга исталган вақтда саволлар беришга ҳақли.

Агар суд лозим деб топса, суд мажлиси баённомасига киритилган тушунтиришлар, кўрсатувлар, шунингдек баёнотлар ва хулосалар тегишли тарафлар, гувоҳлар, мутахассислар ва экспертлар томонидан имзоланиши мумкин.

Эксперт хулосасини ўрганишда суд унинг экспертиза ҳал этиши учун қўйилган саволларга мувофиқлиги, шунингдек унда мавжуд хулосалар тўлиқ ва асосланганлигини текшириши лозим бўлиб, саволлар туғилганда, суд экспертни тушунтириш бериш ёки хулосани тўлдириш мақсадида сўроқ қилиш учун чақиришга ҳақли.

**Суд ишнинг ҳолатини аниқлаш мақсадида ФПКнинг 102-
моддасига мувофиқ ишга мутахассисни жалб қилиш
ҳуқуқига эга**

Далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда маслаҳатлар (тушунтиришлар) бериш йўли билан кўмаклашиш ҳамда илмий-техника воситаларини қўллашда ёрдам бериш мақсадида фан, техника, санъат ёки хунар соҳасида махсус билим ва кўникмага эга бўлган, ишнинг якунидан манфаатдор бўлмаган вояга етган шахс суд мажлисида ёки процессуал ҳаракатларда иштирок этиш учун суд томонидан мутахассис сифатида жалб этилиши мумкин.

Мутахассисни жалб қилиш тўғрисида ишни суд муҳокамасига тайёрлаш ҳақидаги ажримда, суд мажлиси давомида эса суд мажлисининг баённомасида кўрсатилади.

Суднинг мутахассисни чақириш тўғрисидаги талаби мутахассис ишлаб турган ташкилот раҳбари учун мажбурийдир (ФПКнинг 61-моддаси).

Мутахассис судга оғзаки ёки ёзма шаклда маслаҳат (тушунтириш) беради.

Мутахассиснинг ёзма шаклда берган маслаҳати суд мажлисида ўқиб эшиттирилади, текширилади ва ишга қўшиб кўйилади. Оғзаки маслаҳат бевосита суд мажлисининг (процессуал ҳаракатнинг) баённомасига киритилади.

Маслаҳатни аниқлаштириш ва тўлдириш мақсадида мутахассисга саволлар берилиши мумкин.

ФПКнинг 242-моддасига кўра, мутахассис томонидан берилган маслаҳатни (тушунтиришни) ойдинлаштириш ва тўлдириш мақсадида суд мажлисида унга саволлар берилади.

Мутахассис кимнинг аризаси бўйича чақирилган бўлса, уша шахс ва унинг вакили биринчи бўлиб, кейин эса ишда иштирок этувчи бошқа шахслар саволлар беради.

Суднинг ташаббуси билан чақирилган мутахассисга биринчи бўлиб даъвогар саволлар беради.

Судья мутахассис сўроқ қилинаётганида унга исталган вақтда саволлар беришга ҳақли.

Суд томонидан суд процессида иштирок этиш учун жалб қилинган ёки ўз ташаббуси билан процессга киришган давлат бошқаруви органларининг хулосалари суд мажлисида ўқиб эшиттирилади, шундан кейин хулосаларни ойдинлаштириш ва тўлдириш мақсадида суд, ишда иштирок этувчи шахслар мазкур органларнинг вакилларига саволлар бериши мумкин.

Судлар назарда тутишлари лозимки, далилларни текшириш деганда, бир далилни бошқа далиллар ёрдамида текшириш, шунингдек, агар тақдим қилинган далилларда қарама-қаршиликлар бўлса, уларни аниқлаш ва баргараф этиш тушунилади.

ФПКнинг 80-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, суд далилларга ишнинг ҳамма ҳолатларини жамлаб, уларни суд мажлисида қонунига амал қилган ҳолда, ҳар тарафлама, тўлиқ ва қолше кўриб чиқишга асосланган ўз ички ишончи бўйича баҳо беради.

Ички ишонч бўйича далилларга баҳо беришда судья иш бўйича далил бўлган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва ушбу далиллардан фойдаланиш орқали тасдиқланиши лозим бўлган иш ҳолати ҳақиқатда мавжудлиги масаласини аниқлайди. Судьянинг ички ишончи суд муҳокамасида текширилган барча далиллар йиғиндисига асосланган қонуний хулоса бўлиши ва объектив ҳақиқатни акс эттириши лозим.

Раислик қилувчи судьянинг эътибори ҳар бир далил дахлдорлиги ва ҳаққонийлиги, далилларнинг йиғиндиси эса — уларнинг етарлилиги нуктаи назаридан баҳоланиши лозимлигига қаратилиши керак. Далилларни баҳолашда, суд аввало далиллар манбаи ҳаққонийлигини текширишда уларни иш учун аҳамиятга ва кучга эгаллиги нуктаи назаридан келиб чиқиши лозим.

Далилларни баҳолаш биргина ҳиссиётга асосланган бўлиши мумкин эмас, балки аниқ, мантиқий ва бошқа далиллар билан боғлиқлиги асослантирилган бўлиши ва асослар суд қарорларида ўз аксини топиши керак. Жумладан, суд бирор-бир далилни ҳақиқий эмаслиги асосида рад қилишда, ушбу масала бўйича ўз хулосасини асослантириши шарт. ФПКнинг 80-моддаси тўртинчи қисмига асосан ҳеч бир далил суд учун олдиндан белгилаб қўйилган кучга эга эмас. Шунга кўра, агар далилнинг объектив мазмуни иш ҳолатига мос бўлса, суд ҳар қандай далилни қабул қилади, мос бўлмаганда эса рад қилади.

Суд мажлиси котиби иш кўрилгач ёки унинг кўрилиши бошқа кунга қолдирилгач, дарҳол суд мажлисига чақирилган шахсларнинг чақирув қоғозларига уларнинг судга қачон келган ва қачонгача бўлганлигини қайд этиб, ўз имзоси билан тасдиқлайди. Шундан сўнг чақирув қоғозларига девонхона мудири томонидан суд штампи босилади.

Иш кўришни кейинга қолдиришни суд мажлисидаги танаффус ёки иш юритишни тўхтатиб туришдан фарқлай билиш керак. Иш кўришни кейинга қолдириш суд муҳокамасини бошқа

муддатга қолдириш ҳисобланиб, ораликдаги муддат давомида бошқа ишни кўриш имконияти мавжуд бўлади. Шунинг учун, қондаги кўра, иш кўриш кейинга қолдирилганидан сўнг иш кўриш вақти янгидан тайинланади. Агар иш кўриш вақтида танаффус эълон қилинган бўлса, иш кўриш танаффусдан кейин давом эттирилади.

Танаффус — бу суд мажлисининг нисбатан қисқа вақтга кейинга сурилишидир. Бунга асосий сабаб судьяларнинг тушлик қилишлари учун зарурат ёки суд мажлисининг давом эттирилишига тўсқинлик қилувчи, аммо тез ва осон бартараф қилиниши мумкин бўлган вазиятларнинг пайдо бўлишидир.

Иш юритишни тўхтатиб туриш, иш кўришни кейинга қолдиришдан ўзининг асоси, ҳуқуқий оқибати, муддати ва шикоят бериш тартиби билан фарқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 20 майдаги «Биринчи инстанция суди томонидан фуқаролик процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 14-сонли қарорининг 8-бандига биноан, судларнинг эътибори шунга қаратилганки, суд топшириғини бажариш қонунда белгиланган барча талабларга риоя этилган ҳолда суд мажлисида амалга оширилиши лозим.

Бунда ишда иштирок этувчи шахслар ФПК 40-модда-сига биноан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш ҳуқуқига эга бўлиб, уларнинг илтимосномасига асосан ёзма тушунтиришлари суд мажлиси баённомасига қўшиб қўйилиши мумкин.

Суд топшириғини бажариш чоғида тузилган суд мажлиси баённомасида иш бўйича аҳамиятга эга ҳолатлар ва қўйилган саволларга тўлиқ жавоблар акс эттирилиши лозим.

ФПКнинг 143-моддасида суд мажлисида тартибни бузувчиларга нисбатан қўлланиладиган процессуал мажбурлов чоралари кўзда тутилган.

Ишни муҳокама қилиш вақтида тартибни бузган шахсни раволик қилувчи суд номидан огоҳлантиради.

Суд мажлисида тараф ёки учинчи шахс тартибни бузган тақдирда, суд тартиббузарни ишни кўришнинг ҳамма вақтига ёхуд унинг бир қисмига мажлис залидан чиқариб юборади. Вақтинча чиқариб юборилган шахс суд мажлиси залига қайтадан қўйилганда раислик қилувчи уни залда йўқ бўлганда амалга оширилган процессуал ҳаракатлар билан таништиради. Суд мажлисида ҳар икки тараф ёки учинчи шахслар тартибни бузган тақдирда, суд ишнинг муҳокамасини кейинга қолдириши мумкин.

Ишда иштирок этувчи шахслар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар тартибни такроран бузган тақдирда суднинг ажримига биноан, ишни кўришда ҳозир бўлган фуқаролар эса раислик қилувчининг фармойиши билан суд мажлиси залидан чиқариб юборилиши мумкин. Фуқаролар оммавий тарзда тартибни бузган тақдирда суд иш муҳокамасини кейинга қолдириши мумкин.

Прокурор ёки адвокат раислик қилувчининг фармойишларига бўйсунмаган тақдирда, улар огоҳлантирилади. Мазкур шахслар раислик қилувчининг фармойишларига яна бўйсунмаса, агар уларни ишга зарар етказмаган ҳолда бошқа шахс билан алмаштиришнинг имкони бўлмаса, ишни кўриш суднинг ажримига биноан кейинга қолдирилиши мумкин. Суд бир вақтнинг ўзида хусусий ажрим чиқаради, ушбу ажрим тегишинча юқори турувчи прокурорга ёки Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясига юборилади.

Суд жараёнида тўғридан-тўғри тартибни бузган шахсларга суд томонидан ФПКнинг 143-моддаси 4-бандига мувофиқ жарима қўлланилади.

Суд мажлисида тартибни бузувчиларга нисбатан мажбурлов чораларни қўллаш тўғрисидаги суднинг ҳаракатлари суд мажлисининг баённомасида акс эттирилади. Бу талаб ФПКнинг 277-моддаси 1-қисмининг 8-бандидан келиб чиқади.

I. Биринчи инстанция суди томонидан аризнинг қабул қилиш ҳамда суд мажлисини олиб бориш тартиби

унда раислик қилувчининг барча фармойишлари ва суднинг алоҳида хонага (маслаҳатхонага) чиқмасдан чиқарган қарарлари ва алоҳида процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг барча муҳим жиҳатлари акс эттирилиши керак.

Суд мажлиси баённомаси бир вақтнинг ўзида тартиб бузилишининг характери, содир этилган вақти ва ҳуқуқбузар турисида маълумотни акс эттиради.

Раислик қилувчининг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришга қаратилган барча ҳаракатлар суд мажлиси баённомасида қайд этилиши керак.

Иш бўйича тўлланган барча далиллар текшириб бўлиганидан кейин раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахслардан уларда иш материалларини бирор нарса билан тўлдирish истаги бор-йўқлигини сўрайди. Бундай аризалар бўлмаган тақдирда, раислик қилувчи ишни мазмунан муҳокама қилиш тамом бўлганлигини эълон қилади ва суд суднинг музокараларини эшитишга ўтади.

1.4. Фуқаролик ишларини сайёр суд мажлисларида кўриш

Фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаларини самарали амалга оширишда фуқаролик ишларини сайёр суд мажлисларида кўриш муҳим ўрин тутади.

Сайёр суд – бу суд муҳокамасига тайинланган ишларни (фуқаролик, жиноят, иқтисодий ва маъмурий ишлар) суднинг ўз биносидан тақарида, хусусан жамоатчилик ёки аҳоли кўп яшайдиган жойларда, жамоатчилик ва аҳоли вакилларининг фаол иштирокида ўтказиладиган очиқ суд мажлиси.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2017 йил 24 июндаги РС-09-17-сонли қарори билан тасдиқланган “Сайёр суд мажлисларини ўтказиш бўйича услубий тавсиялар”да сайёр суд мажлисига таъриф берилган. Унга кўра, сайёр суд мажлиси - судлар фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини намоён қилиш билан биргаликда ишларни кўришда жамоатчилик иштирокини таъминлаш, қонунлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларга риоя қилиш руҳида тарбиялаш, қонун устуворлигини таъминлашнинг самарали ва амалий шаклидир.

Сайёр суд мажлисларини ўтказиш бўйича услубий тавсияларда белгиланишича, фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишлари юзасидан сайёр суд мажлислари тегишли процессуал кодексларда назарда тутилган суд муҳокамасининг умумий қоидалари асосида ўтказилади. Бунда ҳуқуқбузарлик ва низоларнинг турларини таҳлил қилиш асосида ишларнинг камида 30 фоизи сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилади (Тавсияларнинг 3.1-банди).

Сайёр суд мажлисини ўтказишда суднинг барча ҳаракатлари фуқароларнинг қонунларга риоя қилиш ва уларни

I. Биринчи инстанция суди томонидан аризани қабул қилиш ҳамда суд мажлисини олиб бориш тартиби

қонунни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга кўмаклашишга қаратилади.

Фуқаролик ишларини сайёр суд мажлисларида кўриш масаласи қоида тариқасида ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида ҳал этилади. Маълумки, ишни судда кўришга тайёрлаш фуқаролик ишларини ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилишни таъминлаш мақсадида суд ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал ҳаракатларининг мажмуини ўзида ифода этувчи биринчи инстанция судида иш юритишнинг мустақил босқичи ҳисобланади.

ФПКнинг 201-моддасида судья аризани қабул қилиш ва уни қўзғатиш тўғрисида ажрим чиқарганидан сўнг ишни ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш мақсадида уни суд муҳокамасига тайёрлайди. Мазкур моддада ишни суд муҳокамасига тайёрлаш вазифалари сифатида қуйидагилар кўрсатилган:

- тарафларнинг ҳуқуқий муносабатларини ва ишни кўришда амал қилиниши лозим бўлган қонунни аниқлаш;
- тарафларнинг талаблари ва эътирозларини асословчи фактларни, шунингдек низони тўғри ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа фактларни аниқлаш;
- ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган далиллар доирасини аниқлаш ва уларнинг ўз вақтида суд мажлисига тақдим этилишини таъминлаш;
- ишда иштирок этиши мумкин бўлган шахслар таркиби тўғрисидаги масалани ҳал қилиш;
- тарафлар, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан зарур бўлган далилларни тақдим этилиши;
- тарафларни яраштириш.

Фуқаролик ишларини сайёр суд мажлисида кўриш ишни суд муҳокамасига тайёрлаш вазифаларига ҳам мувофиқ келади.

Хусусан, тарафларни яраштириш каби вазифани бажаришда сайёр суд мажлиси имкониятларидан фойдаланиш мумкин. Бинобарин, қайси ишнинг сайёр суд мажлисида кўриб чиқилишини тўғри танлай олиш унинг самарали ўтказилишининг муҳим омилidir.

Шу сабабли Олий суд Раёсати ўз услубий тавсияларида судья ишни сайёр суд мажлисида кўриб чиқиш учун танлашда ишнинг очик суд мажлисида муҳокама қилиниши мумкинлигини, унинг ижтимоий аҳамияти ва муҳимлигини, сайёр суд мажлиси натижасида огоҳлантириш ва тарбиявий таъсир кўрсатиш имкониятини эътиборга олиши лозимлигини баён этган (2.2-банд).

Сайёр суд мажлислари ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлган туркумланган шундай фуқаролик ишлари танланиши керакки, бунда сайёр суд мажлисида иштирок этаётганлар суд муҳокамасида иш ҳолатлари чуқур, ҳар томонлама, ҳолисона ўрганилишини, низонинг юзага келиш сабаблари ва шароитлари таҳлил қилинишини бевосита кузатиш имконига эга бўлиши лозим.

Шу сабабли сайёр суд мажлисида кўриладиган ишларнинг мураккаб тоифали бўлмаслиги ва бундай ишларда имкон қадар суд қарори шу суд муҳокамасининг ўзида эълон қилинишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Олий суд Раёсатининг ўз услубий тавсияларида сайёр суд мажлислари ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлган куйидаги фуқаролик ишларининг рўйхати белгиланган:

- 1) фуқарони турар жойга нисбатан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш;
- 2) турар жойдан кўчириш;
- 3) уй-жойни бўлиш;
- 4) уй-жойдан фойдаланиш тартибини белгилаш;

I. Биринчи инстанция суди томонидан аризани қабул қилиш ҳамда суд мажлисини олиб бориш тартиби

- 5) ишга тиклаш;
- 6) мерос низолари;
- 7) ер участкасининг чегараларини белгилаш;
- 8) ер участкасини бўлиш;
- 9) мол-мулкни рўйхатдан чиқариш;
- 10) мол-мулкни бўлиш;
- 11) фуқарони ўлган деб эълон қилиш;
- 12) фуқарони бедарак йўқолган деб топиш.

ФПКнинг 12-моддасига кўра, давлат сирига, фарзандликка олиш сирига таиллуқли маълумотлар мавжуд бўлган ишлар бўйича ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ишнинг муҳокамаси ёпиқ суд мажлисида ўтказилади. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар бекор бўлишининг олдини олиш, ёзишмалар сирини ва қонун билан кўриқланидиган бошқа сирни сақлаш мақсадида ёпиқ суд муҳокамаси ўтказилишига йўл қўйилади. Шунинг учун ҳам судья сайёр суд мажлисини ўтказишни режалаштириш жараёнида ушбу масалаларга алоҳида эътибор бериши талаб этилади.

Олий суд Раёсатининг тавсияларига мувофиқ, қуйидаги топфадаги фуқаролик ишларини сайёр суд мажлисида кўриб чиқилишига йўл қўйилмайди:

- 1) давлат ёки тижорат сирлари билан боғлиқ;
- 2) тарифларни яраштириш манфаатларига зид келувчи ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги;
- 3) оталиқни белгилаш тўғрисидаги;
- 4) фарзандликка олиш тўғрисидаги;
- 5) алимент ундириш тўғрисидаги;
- 6) шахсий ҳаётга оид ёки шахснинг шаъни ва қадр-қиммати кимситувчи маълумотлар мавжуд бўлган;

7) шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш;

8) сил касаллигининг юқумли шаклига чалинган шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш;

9) фуқарони муомала лаёқатини чеклаш ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш;

10) процессуал қонунларда ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқиш назарда тутилган бошқа ишлар.

Сайёр суд мажлиси ўтказишни тўғри ва самарали ташкил қилиш мақсадида судья фуқаролик ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги ақримда сайёр суд мажлиси ўтказиладиган жой ва вақтни ҳамда суд муҳокамасида иштирок этувчи процесс иштирокчиларини кўрсатиши лозим.

Фуқаролик ишларини кўриб чиқишнинг тарбиявий ва огоҳлантирувчи ролини ошириш мақсадида бундай ишлар бўйича сайёр суд мажлиси, қоида тариқасида, даъвогар ёки жавобгарнинг иш, ўқиш жойидаги жамоаларида ёки яшаш жойида ўтказилиши мумкин.

Сайёр суд мажлисларини ташкил этиш давр талаби – ундан келиб чиқадиган асосий мақсад, бу судьялар томонидан қабул қилинаётган қарорларининг шаффофлигини таъминлаш, суд процесси иштирокчилари ва сайёр суд мажлисида қатнашаётган жамоатчилик вакилларини ҳуқуқий саводхонлигини оширишдан иборатдир.

Сайёр суд мажлисида кўриб чиқиладиган фуқаролик иши бошқа кунга қолдирилган тақдирда фуқаролик ишлари юзасидан сайёр суд мажлислари ФПКда назарда тутилган суд муҳокамасининг умумий қоидалари асосида ўтказилади.

I. Биринчи инстанция суди томонидан аризани қабул қилиш ҳамда суд мажлисини олиб бориш тартиби

Сайёр суд мажлисида тарафларнинг музокараси ва суд тартибини эълон қилиш процессуал қонун нормаларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Сайёр суд мажлисида суд мажлиси котиби томонидан баённома юритилади ва унда сайёр суд мажлиси ўтказилган жой ва вақт қайд этилади. Суд мажлиси баённомаси раислик қилувчи суд мажлиси котиби томонидан имзоланади.

1.5. Суд музокаралари ва тарафларнинг луқмалари

Суд музокаралари - суд муҳокамасининг бир қисми бўлиб, ишда иштирок этувчи шахсларнинг нутқларидан иборат бўлади.

Суд музокаралари иштирокчилари ўз чиқишларида суд томонидан аниқланмаган ҳолатларга, шунингдек суд мажлисида текширилмаган далилларга асосланишга ҳақли эмас.

Суд музокарасида қуйидаги тартиб ўрнатилади:

1. Биринчи бўлиб даъвогар ва унинг вакили сўзга чиқади;
2. Бошланган суд процессида низо предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилган учинчи шахс ва унинг вакили тарафлардан кейин сўзга чиқади;
3. Жавобгар ҳамда унинг вакили сўзга чиқади;
4. Низо предметиға нисбатан мустақил талаблар билдирмаган учинчи шахс ва унинг вакили учинчи шахс ишда қайси даъвогарнинг ёки жавобгарнинг тарафида иштирок этувчи бўлса, шу даъвогардан ёхуд жавобгардан кейин сўзга чиқади;
5. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этган прокурор, шунингдек давлат бошқаруви органларининг, ташкилотларнинг вакиллари ёки айрим фуқаролар суд музокараларида биринчи бўлиб сўзга чиқади;
6. Суд томонидан суд процессида иштирок қилишга жалб этилган ёки процессға ўз ташаббуси билан киришган давлат бошқаруви органларининг вакиллари суд музокараларида тарафлар ва учинчи шахслардан кейин сўзга чиқади. (ФПКнинг 244-моддаси).

I. Биринчи инстанция суди томонидан аризани қабул қилиш ҳамда суд мажлисини олиб бориш тартиби

Суд музокаралари иштирокчилари бир-бирларига лужма ташлашни мумкин. Охирги лужма ҳуқуқи доимо жавобгар ва унинг вакилига тегишли бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тугрисида”ги Қонунининг 2-моддасига кўра, прокуратура органларининг зиммасига қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш вазифалари беланган бўлиб, прокуратура органларининг бу борадаги фаолияти суд муҳокимасини ҳам қамраб олади. Қонунга мувофиқ ишда иштирок этувчи прокурорга фуқаролик иши бўйича ишнинг мазмунан кўриш якунланганидан кейин ишнинг моҳияти бўйича унинг қонунийлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига мувофиқлиги юзасидан фикрини баён этиш ваколати берилган. Прокурор бошқа шахслар ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берган аризаси бўйича фикр билдиришга ҳақли эмас. Бундай ишлар бўйича прокурор тараф сифатида музокара нутқи сўзлабди.

Ишда иштирок этувчи прокурор суд музокараларидан кейин ишнинг моҳияти бўйича ўз фикрини баён этади, бундан прокурорнинг бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берган аризаси бўйича кўзғатилган ишлар муносабати. (ФПКнинг 245-моддаси).

Суд мажлиси баённомасининг ушбу қисми ўз ичига суд музокараларини ва ташланган лужмаларнинг асосий мазмунини олинган керак. Суд музокараси иштирокчиларининг чиқишлари (нутқлари) тезисларига илова қилиниши мумкин. Тарафлар, ҳар қандай муайян сўз ёки жумлаларни баённомага киритишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

**Фуқаронини ишлари бўйича биринчи инстанция судида
суд мажлисини олиб бориш ва баённома торитин тарғиби**

Суд музокаралари ишда иштирок этувчи шахслар фаол иштирок этадиган охириги процессуал ҳаракат бўлиб, музокарани эшитгач, суд хал қилув қарори чиқариш учун алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киради, бу ҳақда раислик қилувчи суд мажлисида ҳозир бўлганларга эълон қилади (ФПКнинг 247-моддаси).

1.6. Ҳал қилув қарорини ўқиб эшиттириш тартиби

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, хусусан, давлат ҳокимиятининг очиқлиги ва ошкоралиги барча соҳаларда бўлгани каби суд ишларининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда ўз аксини топмоқда. Суд фаолиятининг очиқлиги ва суд қарорларининг барчага танишиш учун қулай бўлишини таъминловчи процессуал механизмларни янада такомиллаштириш мамлакатимизни янада ривожлантириш шароитида муҳим аҳамият касб этади.

Иш юзасидан суднинг ҳал қилув қарорини қабул қилиш ва уни эълон қилиш суд мажлисининг якунловчи қисми ҳисобланади.

Суд музокараларини эшитгач, судья ҳал қилув қарори қабул қилиш учун алоҳида хонага (маслаҳатхонага) чиқиб кетади, бу ҳақда раислик қилувчи суд мажлисида ҳозир бўлганларга эълон қилади.

Ҳал қилув қарори судья томонидан алоҳида хонада (маслаҳатхонада) қабул қилинади, ёзма равишда тузилади ва судья томонидан имзоланади. Судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунушига доир конституциявий принципнинг энг муҳим кафолатларидан бири — ҳал қилув қарори, ажрим, қарор чиқаришда суд маслаҳатининг сир сақланишидир. Муҳокама хонасида фақат ишда иштирок этган судьяларгина бўлиши талаб этилади. Ҳал қилув қарорини қабул қилиш вақтида бошқа шахсларнинг ҳозир бўлишига йўл қўйилмайди. Агар ҳал қилув қарори, ажрим, қарор чиқаришда суд маслаҳатининг сир сақланишига доир қоидалар бузилган бўлса, ушбу ҳолат процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши деб баҳоланади ва ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорнинг

баён қилинишига асос бўлади (ФПКнинг 377-моддаси 5-банди).

Алоҳида (маслаҳат) хонасида судьядан ташқари ҳеч ким бўлмаслиги сабабли у ерда қабул қилинган қарор ёзма шаклда баён қилинади.

Кейинги йиллар амалиёти шуни кўрсатадики, судьялар алоҳида хоналарида компьютердан фойдаланиб келишмоқда, бунда суд ишининг самараси ва маданияти сезиларли даражада ўсмоқда.

Суд иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун қонунда кўрсатилган барча чораларни кўришга мажбур, ҳал қилув қарориди ишнинг ҳолатлари ҳақида баён этилган суднинг хулосалари тарафларнинг ҳақиқий ўзаро муносабатларига тўғри келмоғи лозим. Ҳал қилув қарориди иш учун ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳамма ҳолатлар баён этилган, тегишли далиллар келтирилган ва иш бўйича аниқланган ҳолатлар ҳамда тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари бўйича тўғри хулосага келинган тақдирдагина, у асосли бўлиб ҳисобланади.

Суднинг ҳал қилув қарори маълум тузилишга ва мазмунга эга бўлиши талаб этилади.

Жумладан, ФПКнинг 253-моддаси талабларига мувофиқ, ҳал қилув қарори кириш, баён, асослантирувчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлади.

Қонун нормасида ҳал қилув қарори тузилишининг қатъий тартиби кўрсатилган бўлиб, судьялар қарорни баён этишда белгиланган кетма-кетликка риоя этишлари лозим.

ФПКга кўра айрим туркумдаги ишлар бўйича иш кўришнинг турлича тартиби белгиланган бўлсада (даъво ишлари, алоҳида тартибда кўриладиган ишлар, давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича), ҳал қилув қарорини ёзишда ФПКнинг 253-моддасида белгиланган кетма-кетликка риоя қилиниши талаб этилади.

Ҳал қилув қарори, у процессуал ҳуқуқ нормаларига қатъий риоя қилинган ҳолда ва ушбу ҳуқуқий муносабатга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган моддий ҳуқуқ нормаларига мос равишда қабул қилинган, зарур ҳолларда қонун ўхшашлиги ёки ҳуқуқ ўхшашлигини қўллашга асосланган бўлсагина, қонуний ҳисобланади.

Ҳал қилув қарори, унда иш учун аҳамиятга эга бўлган фактлар, суд томонидан текширилган далиллар билан тасдиқланган, уларнинг алоқадорлиги ва мақбуллиги қонун талабларига жавоб берадиган ёки суд ҳаммага маълум деб топган, исботлашга муҳтож бўлмаган ҳолатлар, шунингдек, аниқланган фактлардан келиб чиқадиган яқуний хулосалар акс эттирилганда, асослангирилган ҳисобланади.

Суд топшириғини юбориш орқали далиллар тўпланганда, суд ҳал қилув қарорини ушбу далилларни ҳисобга олган ҳолда, агар улар ФПК 104-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда олинган, суд мажлисида эълон қилинган, ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим этилган ва бошқа далиллар мажмуи билан бирга баҳоланган тақдирдагина, асослаши мумкин.

ФПК 249-моддасининг учинчи қисмига кўра, судья ҳал қилув қарорини алоҳида хонада (маслаҳатхонада) ишнинг муҳокамаси тугаганидан кейин дарҳол қабул қилиши шарт.

Ҳал қилув қарорини тайёрлаш алоҳида ҳолларда, ўта мураккаб ишлар бўйича беш кундан ортиқ бўлмаган муддатга кечиктирилиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳал қилув қарорининг фақатгина кириш ва хулоса қисмлари тайёрланади. Ҳал қилув қарорининг хулоса қисми иш муҳокамаси тамомланган суд мажлисининг ўзида судья томонидан имзоланади, ўқиб эшиттирилади ва ишга қўшиб қўйилади.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисми эълон қилинганда, раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахслар, уларнинг вакиллари асослангирилган ҳал қилув қарори билан қачон

танишишлари мумкинлигини тушунтириши шарт ва бу суд мажлиси баённомасида акс эттирилади.

Асослангандан ҳал қилув қарорининг кириш ва хулоса қисмлари иш муҳокамаси тугалланган куни эълон қилинган, матни тўлиқ бўлмаган, ҳал қилув қарорининг кириш ва хулоса қисмига сўзма-сўз мос келиши лозим. Иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорининг санаси, у эълон қилинган кун ҳисобланади.

Суд ҳал қилув қарори имзоланганидан кейин суд мажлиси залига қайтиб киради, бу ерда суднинг ҳал қилув қарорини раислик қилувчи ўқиб эшиттиради. Раислик қилувчи суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ва ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш тартиби ва муддатини тушунтиради ҳамда ушбу иш бўйича суд мажлисини ёпиқ деб эълон қилади.

Қабул қилинган ҳал қилув қарорининг мазмуни, у эълон қилингандан сўнг раислик қилувчи томонидан тушунтирилиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг кўчирма нусхаси тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга имзо қўйдириб топширилади ёки почта орқали ёхуд электрон ҳужжат тарзида юборилади.

Суд мажлисига келмаган тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ҳал қилув қарорининг кўчирма нусхаси у қабул қилинган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай почта орқали ёки электрон ҳужжат тарзида юборилади.

Судлар шунинг назарда тутишлари лозимки, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ёпиқ суд мажлисида қабул қилинганлардан ташқари, суднинг расмий веб-сайтида фақатгина тарафларнинг розилиги асосида ёки шахссизлангандан ҳал қилув қарорлари, ёпиқ суд мажлисида қабул қилинган ҳолда эълон қилиниши мумкин.

Фуқаролик суд ишларини юритиш жараёнида судда иш кўриш суд процессининг таркибий қисми ҳисобланиб, унинг асосий вазифаси биринчи инстанция судларида фуқаролик ишларини мазмунан кўриш ва ҳал этишдан иборатдир. Суд

I. Биринчи инстанция суди томонидан аризани қабул қилиш ҳамда суд мажлисини олиб бориш тартиби

мажлиси эса судда иш кўришнинг шакли ҳисобланиб, ўз навбатида, судда иш кўриш суд мажлисисиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Чунки фуқаролик процессуал қонунчилик суд мажлиси ўтказмасдан туриб, низоли ишларни мазмунан кўриш ҳамда ҳал қилиш тартибини белгиламайди.

1.7. Ҳал қилув қарорини суд иштирокчиларига тушунтириб бериш тартиби

Суд-ҳуқук соҳасида олиб борилаётган жадал ислохатларнинг яна бир ёрқин кўриниши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-ҳуқук тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5482-сон Фармони қабул қилиниши бўлди.

Мазкур Фармон ўз номи билан суд соҳасида олиб борилаётган ишларни кенг ёритиш ва суд ҳокимиятига фуқароларнинг ишончини мустаҳкамлашга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси суд органлари фаолиятининг шаффофлигини янада таъминлаш, аҳоли билан очиқ мулоқотни кенгайтириш ва одил судловни амалга оширишда жамоатчилик ролини кучайтириш мақсадида судлар томонидан қабул қилинган суд ҳужжати ўқиб эшиттирилганидан сўнг унинг мазмун-моҳиятини суд процесси иштирокчиларига тушунтириб беришни суд амалиётига жорий этиш белгиланди.

Фармонда белгиланган судьяни қабул қилган қарорини суд мажлисида тушунтириб бериши институтининг жорий этилиши:

- суд мажлисида иштирок этувчи барча иштирокчиларни кўрилган низо юзасидан ҳуқуқий саводхонлигини оширилишига;
- судларга келиб тушаётган шикоятларни камайишига;
- судьянинг қабул қилган қарорини асослантиришда масъулиятини кескин оширилишига;
- судьянинг нутқ маданиятини оширишга хизмат қилади.

Муқаддам судьялар суд мажлиси иштирокчиларига суднинг хулоса қисмини ўқиб бериш, суд қарори устидан шикоят келтириш тартиби ва муддатини тушунтириш билан чекланган.

Фармон қабул қилингандан кейин судьяларнинг суд қарорларини тушунтиришлари натижасида судларга келиб тушаётган шикоятларнинг сони камайганлигини сезиш мумкин.

Судья низо юзасидан қабул қилган ҳал қилув қарорини ёки бошқа ҳужжатнинг хулоса қисмини ўқиб эшиттирганидан кейин суд процесси иштирокчиларига ўтиришни таклиф этади ва ўзи ҳам ўтиради. Судья низо бўйича бундай қарорга келишда қайси қонун нормасига асослангани, суд муҳокамаси иштирокчиларининг қайси важларини асос қилиб олганлигини ва қайси далиллардан фойдаланганини, қайси далилларни номақбул деб топганини тушунтириб ўтади. Шундан кейин суд мажлисини ёпиқ деб эълон қилиб суд залидан чиқиб кетади.

Судьянинг мазкур ҳаракатлари суд мажлиси баённомасида ўз аксини топиши керак.

Агар судья низо бўйича ишни шошма-шошарлик ва бепарволик билан кўрса, ундай ҳолда суд муҳокамаси иштирокчиларига хулосани мазмун-моҳиятини тушунтириб бера олмайди, натижада фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончларига путур етказишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳар бир судья ишларни кўришда пухта тайёрланган бўлиши, тайёрлов босқичларини тўғри ва ўз вақтида ўтказиши, судга тақдим этилган исботлаш воситаларига тўғри ва қонуний баҳо берган ҳолда хулосага келиши талаб этилади.

Мүдәрият башлыгы буларга каршы чыгып чыкканда, аңа да бик көп эш бәреп, аңа да бик көп эш бәреп, аңа да бик көп эш бәреп...

Башлыгы буларга каршы чыгып чыкканда, аңа да бик көп эш бәреп, аңа да бик көп эш бәреп, аңа да бик көп эш бәреп...

Башлыгы буларга каршы чыгып чыкканда, аңа да бик көп эш бәреп, аңа да бик көп эш бәреп, аңа да бик көп эш бәреп...

Башлыгы буларга каршы чыгып чыкканда, аңа да бик көп эш бәреп, аңа да бик көп эш бәреп, аңа да бик көп эш бәреп...

Башлыгы буларга каршы чыгып чыкканда, аңа да бик көп эш бәреп, аңа да бик көп эш бәреп, аңа да бик көп эш бәреп...

Башлыгы буларга каршы чыгып чыкканда, аңа да бик көп эш бәреп, аңа да бик көп эш бәреп, аңа да бик көп эш бәреп...

Башлыгы буларга каршы чыгып чыкканда, аңа да бик көп эш бәреп, аңа да бик көп эш бәреп, аңа да бик көп эш бәреп...

Башлыгы буларга каршы чыгып чыкканда, аңа да бик көп эш бәреп, аңа да бик көп эш бәреп, аңа да бик көп эш бәреп...

Башлыгы буларга каршы чыгып чыкканда, аңа да бик көп эш бәреп, аңа да бик көп эш бәреп, аңа да бик көп эш бәреп...

II. СУД МАЖЛИСИ БАЁННОМАСИ



2.1. Суд мажлиси баённомасини тузишнинг аҳамияти

Фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан одил судловни амалга оширишда улар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонуний ва асосли бўлиши ҳамда суд ишларини юритишдаги процессуал ҳужжатларнинг сифатли расмийлаштирилиши муҳим роль ўйнайди. Айниқса, бу борада суд мажлиси ва суд мажлисидан ташқари амалга ошириладиган бошқа процессуал ҳаракатлар тўғрисида юритиладиган баённоманинг мазмуни, уни юритиш тартиби каби масалаларга эътибор бериш талаб этилади.

Фуқаролик процессида баённома юритишнинг аҳамияти шундан иборатки, баённома исботлаш воситаси ҳисобланиб, процесснинг барча иштирокчиларига, шунингдек суд

қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини текширувчи юқори суд инстанцияларига қуйи суднинг ҳаракатларида процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартиб-таомилларга риоя қилинганлигини, у ёки бу процессуал ҳаракатлар ва ҳужжатларнинг қонунийлигини текшириш имконини беради. Айнан суд мажлисининг баённомаси асосида юқори турувчи инстанция суди фуқаролик ишини кўриш ва ҳал этиш бўйича биринчи инстанция судининг процессуал қонун талабларига риоя қилганлиги ҳақида тўғри хулоса чиқаришга асос бўлади.

ФПК 276-моддасига мувофиқ, фуқаролик суд ишларини юритиш жараёнида ҳар бир суд мажлиси тўғрисида, шунингдек суд мажлиси залидан ташқарида қилинган ҳар бир алоҳида процессуал ҳаракат тўғрисида баённома тузилади. Ишнинг биринчи инстанция суди мажлиси жараёнида бўлгани каби апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларида кўрилишида ҳам ФПКнинг 277-278-моддаларида белгиланган тартибда суд мажлиси баённомаси юритилиши зарур. Акс ҳолда, агар ишда суд мажлиси баённомаси мавжуд бўлмаса ёки у имзоланмаган бўлса, юқори инстанция судлари томонидан ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор бекор қилинишига сабаб бўлади (ФПКнинг 377-моддаси 7-банди).

Баённома нафақат фуқаролик иши мазмунан кўриладиган суднинг ҳар бир суд мажлиси бўйича, балки суд ишларини юритишнинг барча босқичларида амалга ошириладиган ҳар бир алоҳида процессуал ҳаракатлар (масалан, ёзма ва ашёвий далилларни жойларга чиқиб кўздан кечириш) бўйича ҳам юритилиши назарда тутилади. Шу ўринда ФПК суд мажлисида у ёки бу масалаларни кўриб чиқиш пайтида уларни баённома билан расмийлаштириб бориш тўғрисида кўрсатмалар беради. Масалан, ФПКнинг 98-моддаси иккинчи қисмида суд экспертнинг оғзаки тушунгириши суд мажлисининг баённомасига киритилиши, экспертга ўқиб берилиши ва эксперт

томонидан имзоланиши, ФПКнинг 211-моддаси учинчи қисмида ишда иштирок этувчи шахслар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, гувоҳлардан бирортаси раислик қилувчининг хатти-ҳаракатига эътироз билдирган тақдирда, бу эътирозлар суд мажлисининг баённомасига киритилиши, 226-моддаси биринчи қисмида эса даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлиги, жавобгарнинг даъвогар талабларини тан олгандиги ёки тарафлар эришган келишув битимининг шартлари суд мажлиси баённомасига киритилиши шулар жумласидандир.

Таъкидлаш керакки, у ёки бу процессуал ҳаракатларни амалга ошириш тартиб-таомилларининг албатта баённомага киритилишининг процессуал қонунда тўғридан-тўғри белгиланмаслиги судьянинг ушбу ҳаракатларни баённомага киритмаслигини англамайди. Масалан, ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида экспертиза тайинлаш жараёнида судья ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал ҳаракатлари баённома билан расмийлаштирилиши мумкин. Бизнингча, ФПКнинг 203-моддасига мувофиқ, судья ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида тарафларни сўроқ қилиш жараёнлари ҳам албатта баённома билан расмийлаштирилиши лозим.

Судья томонидан амалга ошириладиган ҳар қандай процессуал ҳаракат тўғрисида баённома тузилавермайди. Масалан, суд буйруғини чиқариш жараёни баённома билан расмийлаштирилмайди. Зеро, ФПКнинг 170-моддасига кўра, суд буйруғи низосиз талаблар бўйича суд муҳокамаси ўтказмасдан берилган суд ҳужжатиدير.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ФПК ишда иштирок этувчи шахсларга суд муҳокамаси чоғидаги иш учун аҳамиятли деб ҳисоблаган ҳолатларни овоз ёзиш, видеоёзув ёки кинотасвирга олиш воситаларида акс эттирилишини ва фонограмма, видеокассета, кинотасманинг суд мажлиси баённомасига илова қилинишини талаб қилишларини назарда тутмаган. Бироқ ФПКнинг 277-моддасида суд мажлисининг баённомасида ишни

кўришнинг ёки алоҳида процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг барча муҳим жиҳатлари ақс эттирилиши лозим деган нормадан келиб чиқиб, ишда иштирок этувчи шахслар суд муҳокамаси чоғидаги иш учун аҳамиятли деб ҳисоблаган ҳолатларни овоз ёзиш, видеоёзувга олиш воситаларида ақс эттирилишини ва фонограмма, видеокассетанинг суд мажлиси баённомасига илова қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўладилар.

ФПКнинг 55-моддасига асосан суд мажлисида суд мажлиси котиби вазифасини судьянинг ёрдамчиси (катта ёрдамчиси) бажаради.

Ҳар қандай суд ҳужжати сингари, суд мажлиси баённомасининг ҳам ўз тузилиши мавжуд. Суд жараёнининг ақс эттирилиши кетма-кетлигига қараб, уни тўртта таркибий қисмга бўлиш мумкин:

- 1) ишни суд муҳокамасига тайёрлаш;
- 2) ишни мазмунан кўриб чиқиш;
- 3) суд музокаралари ва лўқмалар;
- 4) ҳал қилув қарорини ўқиб эшиттириш.

Ушбу қисмларнинг ҳар бири баённоманинг ажралмас қисми бўлиб, улардан бири бўлмаса, унинг аҳамияти ва кучи йўқолади.

Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш (кириш) қисми суд мажлисининг очилган пайтидан бошлаб суд музокаралари бошланишига қадар амалга оширилади.

Шу билан бирга таъкидлаш керакки, у ёки бу процессуал ҳаракатларни амалга ошириш тартиб-таомилларининг албатта баённомага киритилишининг процессуал қонунда тўғридан-тўғри белгиланмаслиги судьянинг ушбу ҳаракатларни баённомага киритмасликни аңглатмайди. Чунки, ФПКнинг 204-моддаси биринчи қисми 13-бандига мувофиқ, судья ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида тарафларни яраштириш

чораларини кўриш жараёнлари албатта баённома билан расмийлаштирилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги «Фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида»ги 26-сонли қарорига асосан судларнинг эътибори шунга қаратилганки, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш жараёнида тарафлар сўроқ қилинганда ФПКнинг 276-моддасига мувофиқ баённома тузилиши шарт.

Баённомани тузишда нафақат саводхонлик талаби бўлмиш имло ва синтаксис қоидаларига, балки ҳуқуқий атамалар нуқтаи назаридан ҳам тўғри тузилишига риоя қилинмоғи лозим.

Томонларнинг, учинчи шахсларнинг, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, гувоҳларнинг, экспертларнинг кўрсатмалари, биринчи шахсдан баён қилинади. Худди шу қоида баёнотлар ва сўровларга ҳам тегишли. Савол берилганда, савол берган шахс ва саволнинг мазмуни кўрсатилади, ундан кейин жавоб ёзилади.

Раислик қилувчининг кўрсатмалари учинчи шахс номидан баённомада акс эттирилади ва суд мажлисида кўриладиган суд ажримининг мазмуни судьянинг сўзига биноан баённомага киритилади.

Баённомани тузишда котиб унга тузатишлар киритиш, маттни ўчириш, тўғрилаш, сўзларни қисқартириш, матнга қўшимчалар киритмаслиги лозим.

Суд мажлисининг баённомаси варақлари рақами (фуқаролик иши варақларининг умумий сонидан ташқари) варақнинг юқори қисмида, ручкада ёзилиши керак.

Раислик қилувчи барча суд жараёнининг ҳаракатлари баённомада тўлиқ ва объектив акс эттирилиши учун масъулдир.

Сифатли баённомани тузишга судья суд мажлиси котиби вазифасини бажаришга тайёр бўлган шахсларга рухсат бериши, процессуал ҳаракатларнинг мазмуни ва далилларни текшириш натижаларининг тўлиқлиги ва тўғрилигини таъминлаши шарт.

Баённомага хато ва саводсиз киритилган ёзувлар, процессуал жиҳатдан қонун талабига жавоб бермайдиган ҳужжат тайёрланишига олиб келади.

Қонунда баённомани тузиш муддатлари кўрсатилган. Баённома суд мажлиси тамом бўлганидан ёки алоҳида процессуал ҳаракат амалга оширилганидан кейин кечи билан уч кунда раислик қилувчи ва суд мажлисининг котиби томонидан имзоланиши керак.

Баённомани имзолашдан олдин раислик қилувчи унинг мазмунини диққат билан ўқиб чиқиши ва котибга матнга керакли тузатишлар ёки қўшимчалар киритиш ҳақида кўрсатма бериши шарт.

Суд мажлиси баённомаси суд мажлиси тугаганидан кейин камида беш кун ичида тузилиши керак. Баённома раислик қилувчи ва суд мажлисининг котиби томонидан имзолангандан сўнг тайёр ҳисобланади.

2.2. Судья ёрдамчиси (катта ёрдамчиси) бажариши лозим бўлган ҳаракатлар ва вазифалар

Суд қабул қилаётган қарорларни қонуний ва асосли бўлиши, уни юқори инстанция судларида ўзгаришсиз қолиши учун албатта суд дастлаб келиб тушган даъво аризани иш юритувига қабул қилишдан тортиб, аризада келтирилган вазият бўйича суд муҳокамаларини ўтказиб, то ҳал қилув қарорини қабул қилиб, уни тарафларга эълон қилишгача бўлган жараённи ўз ичига олади. Бу жараёнда айрим ҳаракатларни ташкил этиш масъулияти судья ёрдамчиси вазифасига юклатилади.

ФПКнинг 206-моддасида судья ёрдамчиси (катта ёрдамчиси)нинг ишни суд муҳокамасига тайёрлаш бўйича қуйидаги ҳаракатлари белгилаб берилган:

судья ёрдамчиси судьяга келиб тушган аризаларни ўрганиши;

ариза қабул қилинган куннинг ўзиде аризалар девонхонага топшириши лозим.

аризани иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш ҳақидаги ажрим лойиҳасини тузиши;

Агар ариза юқорида кўрсатилган талабларга жавоб бермайдиган бўлса, уни қабул қилишни рад этиш ҳақида ёки аризани қайтариш ҳақидаги ажрим лойиҳасини тайёрлаши;

Мазкур модда талабларига эътибор қаратадиган бўлсақ, ҳақиқатдан ҳам судья ёрдамчиси ўзига юклатилган вазифаларни тўла тўқис бажарса, судьянинг низо юзасидан ҳал қилув қарорини қабул қилишида муаммо бўлмайди.

Бундан кўринадики, судья ёрдамчиси томонидан ўзига юклатилган вазифаларни тўлиқ даражада бажарилиши судья томонидан қабул қилинадиган ҳал қилув қарорининг ўз вақтида, қонуний ва адолатли бўлишини таъминловчи муҳим манба

бўлиши билан бир вақтда, судга келиб тушган аризаларни суд процессида белгиланган вақтда кўриб чиқиш, низонинг тарафлари ҳамда ишда айрим масалалар бўйича аниқлик киритувчи мутахассисларнинг ўз вақтида иштирок этишини таъминловчи муҳим шартлардан бири ҳисобланади.

Ишни суд муҳокамасига тайёрлашда иштирок этувчи шахслар доирасини аниқлаши ва бошқа шахсларни жалб қилиши;

Судья ёрдамчисининг навбатдаги ҳаракатлари - суд процессини тайёрлаш ва ўтказишни ташкил этишда иштирок этишдир. Тайёрлов босқичи тўлиқ амалга оширилиб, иш етарли даражада тайёрланган деб топилганидан кейин фуқаролик ишини суд мажлисида кўришга тайинлаш ҳақида ажрим лойиҳаси тайёрланади.

Тайинлаш ҳақидаги ажримда суд мажлиси қайси сана ва вақтга белгиланганлиги, суд мажлиси ўтказиладиган жойи аниқ кўрсатилиши шарт.

Суд мажлиси ҳақидаги хабарномаларни тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга етиб борилишини таъминлаш, шунингдек фуқаролик иши ҳужжатларида чақирув қоғозлари ёки бошқача тартибда суд мажлисига чақирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тикиш масъулияти тўлиқ судья ёрдамчиси (катта ёрдамчиси)га юклатилган.

Иш кўрилиб, суднинг ҳал қилув қарори ёки ажрими чиқарилгандан кейин судья ёрдамчиси (катта ёрдамчиси) куйидаги ҳаракатларни бажаради:

- ишга барча ҳужжатларни бир тартибда, олдин суд мажлисигача бўлган қарор, ажрим ва бошқа ёзишмаларни, сўнг суд мажлиси давомида ишга қўшилган (музокарада тақдим этилган) ҳужжатларни, кейин суд мажлиси котиби ва судья томонидан имзоланган суд мажлисининг баённомасини ва суднинг ҳал қилув қарори ёки ажримини тикади;

- фуқаролик ишидаги варақларга рақам қўйиб чиқади ва ишдаги барча ҳужжатларни, шу жумладан, суд мажлиси баённомасининг неча варақдан иборат эканлиги хақида рўйхат тузиб, ўз имзоси билан тасдиқлайди (қоида тариқасида ишда бир ҳужжат икки мартаба тикилмаслигини назорат қилади);

- суд мажлисида кўришга тайинланган ишларнинг ҳисобини олиб бориш электрон базага ишнинг кўрилганлик натижаларини кайд этади;

- суд қарори дарҳол ижро этилиши лозим бўлган ишлар бўйича ижро варақларини ёзади.

Иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорлардан нусхалар суд мажлисида раислик қилган судья имзоси билан тасдиқланиб, суднинг муҳри босилиб, керакли жойларга юборилади.

Агар бу ҳужжатларнинг нусхалари бир неча варақдан иборат бўлса, уларнинг варақларига ип ўтказилиб боғланиб, ҳар бир вараққа муҳр босилади.

III. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР



Судьялар учун эслатма!

Фуқаролик суд ишларини юритишда суд мажлиси ФПКда белгиланган процессуал тартибда амалга оширилади.

Суд процесси – суд, ишда иштирок этувчи шахслар ва жараённинг бошқа иштирокчилари томонидан иш бўйича суд ишларини ҳал қилиш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган, шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича қонун билан белгиланган тартибда амалга ошириладиган ҳаракатлар кетма-кетлиги ҳисобланади.

Бинобарин, фуқаролик ишларининг суд мажлисида кўрилиши ва ҳал қилиниши фуқаролик процессининг муҳим босқичи бўлиб, процессуал аҳамиятга эга. Мазкур босқичда фуқаролик процессининг деярли барча тамойиллари амал қилади, суд биринчи инстанция тариқасида ишни мазмунан кўради, тўпланган далилларнинг қанчалик тўғри бўлишини аниқлайди, тарафларнинг ҳақиқий ҳуқуқий муносабатларини

текширади ва ишнинг ҳолатига қараб, қонунга риоя қилган ҳолда ҳал қилув қарори чиқаради.

Судда иш кўриш суд процессининг мазмунини ташкил этади, суд мажлиси эса судда иш кўришнинг шаклини англатиб, шуниси билан мазкур тушунчалар бир-биридан фарқланади. Зеро, муайян фуқаролик иши бир неча суд мажлисларида кўрилиши мумкин. Ундан ташқари, суд мажлислари нафақат судда иш кўриш, балки айрим процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун ҳам ўтказилади (масалан, даъвони таъминлаш, суд топшириқларини бажариш ва ҳ.к.).

ФПКнинг 211-моддаси 2-қисмига мувофиқ суд мажлисида раислик қилувчи суд мажлисини бошқариб, ишнинг барча ҳолатлари, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ, ҳар томонлама ва ҳолисона аниқланишини, суд процессининг тарбиявий таъсирини таъминлайди, кўрилаётган ишга алоқаси бўлмаган ҳамма нарсани суд муҳокамасидан четлатади.

Суднинг нуфузи, обрўси ва унинг тарбиявий таъсири раислик қилувчининг ҳаракатларига боғлиқдир. Шунингдек, судга ва қонунларга бўлган ҳурмат, қуйидаги омиллар таъсирида шаклланади:

- судья ўз вазифаларини бажаришда хотиржам ва совуққон бўлиши;
- судья фойдаланадиган ҳуқуқий терминларнинг аниқлиги;
- саволларнинг аниқлигига эътибор бериш, ноаниқ ва тушунарсиз жумлалардан қочиш;
- томонларга тенг муносабатда, холис бўлиши;
- ишда иштирок этувчи шахслар ва фуқаролик суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчиларига мурожаат қилишда эҳтиёткор, ҳушмуомала бўлиши;
- судьянинг кийиниш маданияти.

Раислик қилувчи суд мажлисида раҳбарлик қилиш ҳуқуқини суиистеъмол қилишга ҳақли эмас.

Судья суд мажлиси залига кириб келганида ва ундан чикиб кетаётганида залда ҳозир бўлганларнинг барчаси ўрнидан туради.

Ўз навбатида, раислик қилувчи суд залига кириб, судьянинг столига ўтиб, суд залида ҳозир бўлганлар билан саломлашиб, сўнгра ҳаммани ўтиришга таклиф қилади.

Раислик қилувчи суд залида ҳозир бўлганларга нисбатан ҳурматсизликка йўл қўймаслик учун ўзига қулай бўлган ҳолатда ўтириши керак.

Агар тарафларнинг бирортаси судьяга ўтирган ҳолда мурожаат қилса, судья унга судга мурожаат қилишда тик туриб мурожаат қилиш лозимлигини эслатади. Масалан: "Кечирасиз, лекин суд мажлисида ўз тушунтиришларингизни ва кўрсатувларингизни, саволларга жавоблашни тик туриб беришингиз лозим". Бу қоидадан узрли сабабга кўра четга чиқишга фақат раислик қилувчининг рухсати билангина йўл қўйилиши мумкин.

Раислик қилувчи ишда иштирок этувчи барча шахсларга "Сиз" деб мурожаат қилади ва уларга маълум бўлган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги тушунтиришлар, саволлар беришни таклиф қилади.

Суд мажлисини олиб боришда ва саволлар беришда судья танбеҳ оҳангни, ҳақоратларни четлаб ўтиши керак. Ўз тажрибасидан мисоллар келтирмасдан, кўрилаётган ва ҳал этилаётган масаланинг моҳиятидан четга чиқмаслиги шарт.

Алоҳида хонада (маслаҳатхонада) қабул қилинган суд ҳужжатини суд мажлиси залида ҳозир бўлганларнинг барчаси тик туриб эшитади.

Ишда иштирок этувчи шахслар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, шунингдек суд мажлиси залида ҳозир бўлган барча фуқаролар суд мажлисида белгиланган тартибга риоя этиши ва раислик қилувчининг фармойишларига сўзсиз бўйсунishi шарт (ФПКнинг 212-моддаси).

Ишни кўриш вақтида тартибни бузган шахсни раислик қилувчи суд номидан огоҳлантиради. Ишда қатнашаётган шахслар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар тартибни такроран бузган тақдирда суднинг ажримига биноан, ишни кўришда ҳозир бўлган фуқаролар эса, раислик қилувчининг фармойиши билан суд мажлиси залидан чиқариб юборилиши мумкин. Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича судларда суд мажлисида тартибни бузган ёки судга нисбатан бошқа тарздаги ҳурматсизлик қилган шахсларга нисбатан мажбурлов чорасини белгиловчи қоида назарда тутилди (ФПКнинг 150-моддаси).

Судья ёрдамчиси суд мажлисининг бошланишига қадар, суд ишни юритишни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган қуйидаги ташкилий масалаларни ҳал қилади:

- суд таркибини белгилайди;
- фуқаролик иши кўриладиган суд залини аниқлайди;
- зарур жиҳозларни текширади ва ўрнатади.

Суд ишнинг ҳолатини аниқламай туриб, бирон бир фуқаролик ишини мазмунан ҳал қила олмайди. Суд фуқаролар ва ташкилотнинг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби асосий вазифасини тўлиқ амалга ошириши учун, аввало, даъвогар талаб қилаётган даъвосида ҳақиқатан ҳам унинг ҳуқуқи мавжудлигини, унинг айнан нимада ифодаланишини, маълум бир мажбурият жавобгарга тегишлилиги тўғрисидаги ҳуқуқ мавжуд эканлигини белгилаши, яъни низолашувчининг ҳуқуқий муносабатларини аниқлаши керак. Бироқ ҳуқуқ ва мажбурият ўз-ўзидан вужудга келмайди. Уларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши қонунда маълум юридик фактларнинг мавжудлиги билан боғланади. Шу сабабли, низоли ҳуқуқий муносабатларни аниқлаш учун ҳақиқатда қандай юридик фактлар содир бўлганлигини белгилаш муҳим аҳамият касб этади.

3.1. Суд мажлисларининг муайян босқичларини ўтказиш тартиби

СУД МАЖЛИСИНИ ОЧИШ ЖАРАЁНИ

Бу жараёнда судьянинг суд мажлислар залига кириб келиши, салом бериши, тарафларга ўтиришни таклиф этиши, кўриладиган иш ва суд таркибини эълон қилиши, суд мажлиси котибининг суд мажлисига келган-келмаганлар ҳақидаги маърузаси, судьянинг даъвогар, жавобгар, гувоҳ ва мутахассисларнинг шахсини аниқлаши, судда кўрилаётган иш юзасидан судьянинг маърузаси ва фуқаролик ишидаги мавжуд хужжатлар билан иштирокчиларни таништириши ва суд муҳокамасига ўтиши билан яқунланади.

Мажкур жараён ФПКнинг 207-230-моддаларида ўз аксини топган бўлиб, судьянинг суд мажлисини олиб бориш кўникмаларини мустҳкамлаш учун хизмат қилади.

Раислик этувчи судья суд залига кириб келади;

Суд мажлиси котиби: - Туринглар суд келаяпти.

(Суд мажлисида иштирок этаётганлар ҳаммаси ўрнидан туради).

Судья: - Ассалому алайкум, марҳамат ўтиринглар – деб ўзи ҳам ўтиради. *(ФПКнинг 210-м.)*

Судья: - Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг суд мажлисини очик деб эълон қиламан. Бугунги суд мажлисида даъвогар Тўраев Аҳмад

Хошимовичнинг жавобгарлар Қараев Икром Ибрагимович ва Собитова Турсунойларга нисбатан “Уйга киритиш ва уй-жойдан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳақида”ги фуқаролик иши кўриб чиқилади. (ФПКнинг 213-м.)

- Марҳамат котиб, суд мажлисига кимлар келган-келмаганлигини маълум қилинг.

Котиб: - Ҳурматли суд, бугунги суд мажлисида барча иштирокчилар, жумладан, даъвогар Тўраев Аҳмад Хошимович ва унинг адвокати Маркаев Собиржон Жабборович, жавобгарлар Қараев Икром Ибрагимович ва Собитова Турсуной Халимовналар, гувоҳ Эшонов Баҳодиржон ҳамда Миробод туман прокурори Имомов Аҳмеджон қатнашмоқдалар.

Судья: - Раҳмат ўтиринг. (ФПКнинг 213-м.)

Судья: - Тарафларнинг шахсини аниқлаб оламиз, марҳамат даъвогар Тўраев Аҳмад Хошимович (даъвогарни ўрнидан туришини кутади ва давом этади):

- Исми-шарифингиз?
- Қачон, қаерда туғилгансиз?
- Миллатингиз?
- Маълумотингиз?
- Оилавий ахволингиз ва фарзандларингиз?
- Қаерда, ким бўлиб ишлайсиз?
- Ҳозирда яшаш манзилингиз?

Судья: - Ишда иштирок этувчи шахсларда даъвогарнинг шахсига оид саволлар борми? (озгина кутиб, давом этади):

- Агар саволлар бўлмаса, ўтиринг. Марҳамат жавобгар Қараев Икром Ибрагимович (жавобгарни ўрнидан туришини кутади ва давом этади):

- Тўлик исми-шарифингиз?
- Қачон, қаерда туғилгансиз?
- Миллатингиз?
- Маълумотингиз?
- Оилавий ахволингиз ва фарзандларингиз?

- Қаерда, ким бўлиб ишлайсиз?

- Ҳозирда яшаш манзилингиз?

Судья: - Ишда иштирок этувчи шахсларда жавобгарнинг шахсига оид саволлар борми? *(озгина кутиб, давом этади):*

- Агар саволлар бўлмаса, ўтиринг. Марҳамат иккинчи жавобгар Собитова Турсуной Халимовна *(жавобгарни ўрнидан туришини кутади ва давом этади):*

- Тўлиқ исми-шарифингиз?

- Қачон, қаерда туғилгансиз?

- Миллатингиз?

- Маълумотингиз?

- Оилавий ахволингиз ва фарзандларингиз?

- Қаерда, ким бўлиб ишлайсиз?

- Ҳозирда яшаш манзилингиз?

Судья: - Ишда иштирок этувчи шахсларда жавобгарнинг шахсига оид саволлар борми? *(озгина кутиб, давом этади):*

- Агар саволлар бўлмаса, ўтиринг. Марҳамат даъвогарнинг адвокати ордерингизни судга тақдим этсангиз? *(адвокат Маркаев Собиржон ордерини суд мажлиси котибига тақдим этади, котиб ордерни судьяга беради):*

Судья: - адвокат Маркаев Собиржон Жабборовичга 7-сонли ордер, 2019 йил 20 октябрда “Адолат нури” адвокатлик фирмаси томонидан фуқаролик ишлар бўйича судда даъвогар Тўраев Ахмад Хошимовични ҳимоя қилиш учун берилганлиги тасдиқланди.

Судья: - Марҳамат, суд мажлисида ким гувоҳ бўлиб катнашмоқда ва гувоҳ ким томонидан таклиф этилган? *(гувоҳ ўрнидан туради)*

Жавобгар Қараев Икром: - Ҳурматли суд, гувоҳ Эшонов Баҳодиржонни мен суд мажлисига гувоҳлик бериш учун таклиф этганман. У мени қўшним бўлиб, низоли уйдаги мавжуд хоналар юзасидан ўзига маълум бўлган ҳолатлар бўйича кўрсатма бермоқчи. *(ФПКнинг 215-м.)*

Судья: - Марҳамат гувоҳ Эшонов Баҳодиржон, Сиз Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 215-моддасига асосан суд мажлисига таклиф этмагунимизга қадар суд залидан ташқарига чиқиб туришингиз лозим бўлади. *(гувоҳ суд залидан чиқиб кетишини кутади ФПКнинг 216-м.)*

Судья: - Суд таркиби билан таништираман, ушбу фуқаролик иши судья Останов Ҳолмат Ҳолмирзаевичнинг раислигида, судья ёрдамчиси Салимова Нилуфархоннинг котибалигида, адвокат Маркаев Собиржон Жабборович ва Миробод туман прокурори Имомов Ахмеджон Мелибоевичнинг иштирокида кўриб чиқилади.

- Ишда иштирок этувчи шахсларда суд таркибига нисбатан рад қилиш ҳақида аризалар борми? *(суд иштирокчиларидан рад қилиш арзлари бор йўқлиги ҳақидаги фикрларини эшитади);*

Даъвогар *(урнидан туриб):* - Йўқ;

Жавобгар *(урнидан туриб):* - Йўқ;

Жавобгар *(урнидан туриб):* - Йўқ; *(ФПКнинг 217-м.)*

Судья: - Агар рад қилиш ҳақида аризалар бўлмаса, ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтираман.

Ишда иштирок этувчи шахслар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 40-моддасига асосан:

- иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусхалар кўчириш;

- рад этиш тўғрисида арз қилиш;

- далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш;

- ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашаётган шахсларга саволлар бериш;

- арз қилиш, илтимосномалар тақдим этиш;

-судга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, суд муҳокамаси давомида юзага келадиган барча масалалар бўйича ўзларининг важларини баён қилиш;

-бошқа шахсларнинг арзлари, илтимосномалари, важларига қарши эътирозлар билдириш;

-суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш, суд ҳужжатларининг мажбурий ижросини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 44-моддасига мувофиқ:

-даъвогар билдирилган талабларнинг асосини ва предметини ўзгартиришга, қўшимча талаб тақдим этишга, даъво талабларини миқдорини ошириш ёки камайтиришга, улардан тўлиқ ёки қисман воз кечишга ҳақли;

-жавобгарлар даъвогарнинг талабини тўлиқ ёки қисман тан олишга ва қарши даъво тақдим этишга ҳақли.

Шунингдек, тарафлар процесснинг исталган босқичида келишув ёки медиатив келишув тузишга ҳақлидир.

Ишда иштирок этувчи шахслар ўзларига берилган барча процессуал ҳуқуқлардан инсофли равишда фойдаланиши ва ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариши шарт.

Суд мажлисида иштирокчилар фақат раислик этувчининг рухсати билан савол - жавобларда иштирок этишлари лозим бўлади.

Суд мажлиси тартибига риоя этмаган шахслар суд мажлисидан чиқариб юборилиши, жаримага ва маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантираман.

(озгина кутгандан кейин)

- Ишда иштирок этувчи шахсларга ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунарлими?

Даъвогар *(урнидан туриб)*: - Тушунарли;

Жавобгар *(урнидан туриб)*: - Тушунарли;

Жавобгар *(урнидан туриб)*: - Тушунарли *(ФПКнинг 219-м.)*

Судья: - Даъво ариза мазмуни ва унга илова қилинган хужжатлар билан таништираман.

Судга даъвогар Тўраев Ахмад Хошимович даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унинг отаси Тўраев Хошимжондан васиятнома асосида мерос қолган 17-сонли уйнинг Б-литрли қисмидаги иккита яшаш хоналарига киритиб қўйишни ва уйнинг ошхона, ҳаммом ва бошқа умумий фойдаланишдаги жойларидан фойдаланиш тартибини белгилаб беришни сўраган. Даъво аризага 2019 йил 19 августда нотариал идораси томонидан унинг номига берилган ва туман кадастрида 2019 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилган меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани, туманлараро судининг мерос улушини белгилаш ҳақидаги 2019 йил 10 октябрдаги ҳал қилув қарорини, туман давлат кадастр хизматининг уйга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи гувоҳномани ҳамда низоли уйнинг тўлиқ схемасини илова қилган.

-Марҳамат суд муҳокамаси иштирокчиларида суд хужжатларига қўшимчалар ва иш юзасидан илтимослар борми?

-Агар бўлмаса, суд муҳокамасига ўтаммз.

- Даъвогар Тўраев Ахмад Хошимович даъвоингизни қўллаб-қувватлайсизми?

Даъвогар (ўрндан туриб): - Ҳа, даъво аризамни тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Судья: - Жавобгарлар Қараев Икром Ибрагимович ва Собитова Турсуной Халимовна даъво аризани тан оласизми ёки йўқ-ми?

Жавобгар: - Йўқ, тан олмайман;

Жавобгар: - Йўқ, тан олмайман;

Судья: - Тарафларда низони тинчлик йўли билан, яъни келишув битими билан тамомлаш бўйича таклифлар борми? (ФПКнинг 227-м.)

Даъвогар (ўрндан туриб): - Таклиф йўқ;

Жавобгар (ўрндан туриб): - Йўқ;

Жавобгар (урнидан туриб): - Йўқ;

Судья: - Агар таклифлар бўлмаса, суд ишни мазмунан муҳокама қилишга ўтамыз, тушунтириш бериш учун сўзни даъвогарга берамиз, марҳамат Тўраев даъво аризангиз бўйича тушунтириш берсангиз.

(Суд муҳокамаси даъвогардан бошланади ва кейин жавобгарни даъво аризага келтирган важдарга нисбатан келтирган важдари тингланади).

СУДЬЯНИ РАД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ АРИЗАНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

Ушбу жараёнда жавобгар томонидан судьянинг холислигига шубҳа қилганлиги сабабли ёзма равишда ариза тақдим этиш, судьянинг раддия бўйича суд жараёнида иштирок этаётган даъвогар ва унинг вакили, қўшимча жавобгар ва прокурорнинг фикрини олиши, суд маслаҳатхонасига кириши, суд маслаҳатхонадан чиқиб суднинг ажримини ўқиб эшиттириши, судьяни ажрим ҳақидаги тушунтириши билан яқунланади.

Судья суд мажлисини очиш жараёнини яқунлаб, тарафлардан илтимослар бор йўқлигини сўраган вақтидан бошланади.

Судья: - Суд мажлиси иштирокчиларида қўшимча ва илтимосномалар борми?

Жавобгар: - Ҳурматли суд! Менда ариза бор.

Судья: - Марҳамат қандай ариза бор.

Жавобгар: - Мен Сизни мазкур фуқаролик ишини кўришингиздан норозиман шу сабабли Сизни рад қилиш ҳақида арз қилмоқчиман.

Судья: - Марҳамат жавобгар Ахроров, аризангизни ФПК 23-моддасига асосан оғзаки ёки ёзма равишда беришингиз мумкин.

Жавобгар: - Мен аризани ёзма тайёрлаганман, шунинг учун ўқиб бераман. Сиз Ҳурматли судья! Муқаддам даъвогарни менга нисбатан бола тарбияси билан банд бўлган давр учун моддий таъминот ундириш ҳақидаги фуқаролик ишини кўриб чиққансиз ва даъвогарни даъво аризасини қаноатлантиргансиз.

Бундан ташқари мени даъвогарга нисбатан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризамни ҳам кўриб, даъво аризамни рад қилгансиз. Бу икки фуқаролик иши ҳолатидан қўриқиб турибдики ёки Сиз даъвогар билан алоқангиз бор ёки менга нисбатан адоватингиз бор. Мен Сизни ишни холис олиб боришингизга шубхам бор, чунки Сиз яна даъвогарни даъво аризасини қаноатлантиришингиз мумкин, шу сабабли мен суд муҳокамасини Сизнинг олиб боришингизга қаршиман ва рад қилиш ҳақида ариза тақдим қиламан.

(жавобгар аризасини котибга беради, котиб судьяга тақдим этади)

Судья: - Тушунарли. Туман суди бир таркибли бўлганлиги муносабати билан ФПК 24-моддасининг талабларига асосан рад қилиш ҳақидаги аризани ўзим кўриб чиқишим белгиланган.

Судья: - Раддия бўйича, марҳамат даъвогар Азиза Ширинова жавобгарнинг аризаси юзасидан фикрингизни билдирсангиз?

Даъвогар: Хурматли суд! Жавобгарни раддияси ўринсиз, Сиз аввал кўрган ишларингизда қонуний ҳал қилув қарори чиқаргансиз, даъводаги низоларнинг асослари ҳам бошқа-бошқа, мен Сизнинг ишни одилона қўришингизга ишонаман. Шунинг учун жавобгарни аризасини рад қилишингизни сўрайман.

Судья: - Марҳамат, прокурор жавобгарнинг аризасига нисбатан фикрингиз.

Прокурор: - Хурматли суд! Жавобгарнинг берган раддияси ФПКнинг 21-моддасида кўрсатилган судга раддия бериш учун асосларнинг ҳеч бир асосига тўғри келмайди.

Мазкур иш илгари кўрилмаган, суд мажлисида тарафлар айнан шу тарафлар бўлсада, лекин даъво талаби бошқа мазмунда, бундай ҳолда судьяни рад этишга асос бўлмайди. Шу

сабабга кўра, жавобгарнинг аризасини рад қилишингизни сўрайман.

Судья: - Суд ариза юзасидан хулоса қилиш учун маслаҳатхонага киради.

Котиб: - Туринглар, суд маслаҳатхонага киради.

Судья маслаҳатхонага чиқиб учун ўрнидан туриб, маслаҳатхонага чиқиб кетади, суд залдагилар ўрниларида қолишади.

Орадан 5 дақиқадан кейин судья суд мажлиси залига кириб келади.

Котиб: - Туринглар суд келаяпти.

Судья суд залига кириб келиб, стол ёнида тик туради.

Судья: - Фуқаролик ишлари бўйича туман судининг ажримини ўқиб эшиттираман (*ажримни ўқиб эшиттиради*).

Ҳамма ўрнида тик туриб ажримни эшитади.

Судья: - Аризани қаноатлантириш рад этилсин, ишни кўриш шу таркибда давом эттирилсин. Марҳамат ўтиринглар.

(Суд мажлиси давом этади).

3.1. Суд мажлиси баённомаларининг намуналари

СУД МАЖЛИСИ БАЁННОМАСИ

“ _____ ” йил “ _____ ” ойининг “ _____ ” куни фуқаролик ишлари буйича _____ (суднинг номи) суд _____ (агар бошқа суд ёки ташилот биносида бўлса номи) биносида, очиқ суд мажлисида

Раислик қилувчи судья _____ (судьянинг ФИШ) таркибида, _____ (ФИШ)нинг котиблигида, тарафлар, прокурор _____ (ФИШ), адвокат _____ (ФИШ) иштирокида, даъвогар _____ (ФИШ)нинг жавобгар _____ (ФИШ)га нисбатан _____ (даъво мазмуни) ҳақидаги ариза буйича юритилган №1-555/19-сонли фуқаролик иши кўрилмоқда.

Раислик қилувчи Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 210-моддасига асосан суд мажлисини очиб, қандай иш кўрилишини эълон қилди.

Суд мажлиси котиби суд мажлисига даъвогар (ФИШ) келиб, жавобгар (ФИШ) суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган бўлсада келмаганлигини маълум қилди.

**Суд ўз жойида
ажрим қилди:**

Суд мажлисига жавобгар (ФИШ) такроран чақиртирилиши муносабати билан суд мажлиси _____ йил _____ куни соат 14:30 га қадар қолидирилсин.

Суд мажлиси ёпиқ деб эълон қилинди.

Раислик қилувчи:

Суд мажлиси котиби:

СУД МАЖЛИСИ БАЁННОМАСИ

“_____” йил “_____” ойининг “_____” - куни фуқаролик ишлари буйича _____ (суднинг номи) суд _____ (агар бошқа суд ёки ташкилот биносида бўлса номи) биносида, очиқ суд мажлисида

Раислик қилувчи судья _____ (судьянинг ФИШ) таркибида, _____ (ФИШ)нинг котиблигида, тарафлар, _____ прокурор _____ (ФИШ), адвокат _____ (ФИШ) иштирокида, даъвогар _____ (ФИШ)нинг жавобгар _____ (ФИШ)га нисбатан

(даъво мазмуни) ҳақидаги ариза буйича юритилган №1-555/19-сонли фуқаролик иши қўрилмоқда.

Судья ёрдамчиси судга тарафларнинг келганлиги ҳақида маълумот берди.

Раислик қилувчи Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 210-моддасига асосан суд мажлисини очиб, қандай иш қўрилишини эълон қилди.

Раислик қилувчи тарафларнинг шахсини аниқлади:

Даъвогар вакили:

ФИШ, қачон, қаерда тугилган, миллати, маълумоти, оилавий ахволи, иш жойи, яшаш манзили

Шахсига оид саволлар бўлмади.

Жавобгар:

ФИШ, қачон, қаерда тугилган, миллати, маълумоти, оилавий ахволи, иш жойи, яшаш манзили

Шахсига оид саволлар бўлмади.

Раислик қилувчи Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 216-моддасига асосан суд таркибини эълон қилди ва рад қилиш ҳуқуқини тушунтирди.

Даъвогар _____ (ФИШ):

- Суд таркибига раiddиялар йўқ.

Жавобгар _____ (ФИШ):

- Суд таркибига раiddияларим йўқ.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 217-моддаси талабига асосан раислик қилувчи томонидан тарафларга уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилди.

Даъвогар _____ (ФИШ):

- Ҳуқуқ ва мажбуриятларимиз тушунарли.

Жавобгар _____ (ФИШ):

- Ҳуқуқ ва мажбуриятларимиз тушунарли.

Даъвогар _____ (ФИШ) судга
илтимоснома билан мурожаат қилди.

Даъвогар _____ (ФИШ)ни илтимосномаси:

-Хурматли суд! Мен томонимдан судга даъво аризаси киритганимдан кейин жавобгар ўз хошишига кўра низоли хонадон доимий рўйхатидан ўчиб кетди. Шу сабабли даъво аризамдан воз кечаман ва фуқаролик иши бўйича юритувни тугатишингизни сўрайман.

Жавобгар _____ (ФИШ)ни фикри:

-Хурматли суд! Тўғри мен ўз хошимга кўра даъвогарга тегишли бўлган хонадон рўйхатидан чиқиб кетдим. Илтимосномани қаноатлантиришингизни сўрайман.

Раислик қилувчи томонидан даъвогар _____
(ФИШ)га ФПКнинг 124-126 модда талаблари тушунтирилди.

Даъвогар _____ (ФИШ):

- Менга суд томонидан ФПКнинг 124-126 модда талаблари тушунтирилди. Келажакда айнан шу асос ва талаб билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқим йўқолиши ҳақида огохлантирилдим.

Илтимоснома иш хужжатларига ёзма равишда илова қилинди.

Қушимча ва илтимолсномалар бўлмади.

Раислик қилувчи, иш хужжатларини текшириб, алоҳида хонага кириб кетди. Алоҳида хонадан чиқиб, ажрим ўқиб эшиттирди. Суд мажлиси баённомаси билан танишиш тартиби ва ажримга нисбатан шикоят келтириш муддатлари тушинтирилди.

Раислик қилувчи суд мажлисини ёпиқ деб эълон қилди.

Раислик қилувчи:

Суд мажлиси котиби:

**СУД МАЖЛИСИ
БАЁННОМАСИ**

“_____” йил “_____” ойининг “_____” куни фуқаролик ишлари бўйича _____ (суднинг номи) суд _____ (агар бошқа суд ёки ташкилот биносида бўлса номи) биносида, очиқ суд мажлисида

Раислик қилувчи судья _____ (судьянинг ФИШ) таркибида, _____ (ФИШ)нинг котиблигида, тарафлар, _____ прокурор _____ (ФИШ), адвокат _____ (ФИШ) иштирокида, даъвогар _____ (ФИШ)нинг жавобгар _____ (ФИШ)га нисбатан _____ (даъво мазмуни) ҳақидаги ариза бўйича юритилган №1-555/19-сонли фуқаролик иши кўрилмоқда.

Судья ёрдамчиси судга тарафларнинг келганлиги ҳақида маълумот берди.

Раислик қилувчи Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 210-моддасига асосан суд мажлисини очиб, қандай иш кўрилишини эълон қилди.

Раислик қилувчи суд мажлиси залига таржимонни таклиф қилди ва суд таржимоннинг шахсини аниқлади.

Таржимон: _____ ФИШ, қачон, қаерда тугилган, миллати, маълумоти, оилавий аҳоли, иш жойи, яшаш манзили

Шахси бўйича саволлар булмади.

Раислик қилувчи таржимонни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 238-моддаси билан огоҳлантирди ва таржимон бу ҳақда тилхатга имзо чекди.

Раислик қилувчи тарафларнинг шахсини аниқлади:

Даъвогар: _____ ФИШ, қачон, қаерда тугилган, миллати, маълумоти, оилавий

ахволи, иш жойи, яшаш манзили

Шахсига оид саволлар бўлмади.

Жавобгар:

ФИШ, қачон, қаерда тугилган,
миллати, маълумоти, оилавий
ахволи, иш жойи, яшаш манзили

Шахсига оид саволлар бўлмади.

Раислик қилувчи Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 216-моддасига асосан суд таркибини эълон қилди ва рад қилиш ҳуқуқини тушунтирди.

Даъвогар _____ (ФИШ):

- Суд таркибига раддиялар йўқ.

Жавобгар _____ (ФИШ):

- Суд таркибига раддияларим йўқ.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 217-моддаси талабига асосан раислик қилувчи томонидан тарафларга уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилди.

Даъвогар _____ (ФИШ):

- Ҳуқуқ ва мажбуриятларимиз тушунарли.

Жавобгар _____ (ФИШ):

- Ҳуқуқ ва мажбуриятларимиз тушунарли.

Раислик қилувчи аризани ўқиб эшиттирди.

Даъвогар _____ (ФИШ): ариза талабларини қувватлайман.

Жавобгар _____ (ФИШ): ариза талабларини тан олмайман.

Ариза ва илтимосномалар бўлмади.

Даъвогар (ФИШ) ни тушунтиришлари:

- Хурматли суд! _____.

(тушунтиришлар)

Раислик қилувчи саволи:

- _____?

(раислик қилувчини саволи)

Даъвогар (ФИШ):

- _____.

(даъвогарни жавоби)

Бошқа саволлар булмади.

Жавобгар (ФИШ) ни тушунтиришлари:

- Хурматли суд! _____.

(тушунтиришлар)

Раислик қилувчи саволи:

- _____?

(раислик қилувчини саволи)

Жавобгар (ФИШ):

- _____.

(жавобгарни жавоби)

Раислик этувчи саволи:

- _____?

(раислик этувчини саволи)

Даъвогар (ФИШ):

- _____.

(даъвогарни жавоби)

Боинка савол ва илтимосномалар булмади.

Суд, иш хужжатларини текшириб, томонлар музокарасига ўтди.

Даъвогар (ФИШ):

- Суддан даъво аризани қаноатлантиришини сўрайман.

Жавобгар (ФИШ):

- Суддан даъво аризани қаноатлантиришни рад этишини сўрайман.

Адвокат (ФИШ):

- Даъво талабларини тўлиқ рад этишингизни сўрайман.

Прокурор (ФИШ) фикри:

- Даъвогар (ФИШ) асосли бўлганлиги тўғрисида, даъво аризани тўлиқ қаноатлантиришингизни илтимос қиламан.

Суд алоҳида хонага кириб кетди, алоҳида хонадан қайтгач раислик этувчи ажрим ўқиб эшиттирди ва суд мажлиси баённомаси билан танишиши, ажрим устидан шикоят қилиши тартибини тушунирди.

Раислик қилувчи суд мажлисини ёпиқ деб эълон қилди.

Раислик қилувчи:

Суд мажлиси қотиби:

**СУД МАЖЛИСИ
БАЁННОМАСИ**

2019 йил февраль ойининг 22 кунн фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида

Раислик қилувчи судья: Б.Нишоннов

судья ёрдамчиси С.Мамедованинг котибалигида, тарафлардан Чилонзор туман прокурор ёрдамчиси В.Балиевни иштирокида, даъвогар Шукурова Феруза Ашировнанинг жавобгар Қаюмова Барно Ботировнага нисбатан уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топил ҳақидаги даъво аризаси бўйича юритилган №1-888/19-сонли фуқаролик иши кўрилмоқда.

Судья ёрдамчиси судга тарафларнинг келганлиги ҳақида маълумот берди.

Раислик қилувчи Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 210-моддасига асосан суд мажлисини очиб, қандай иш кўрилишини эълон қилди.

Суд мажлиси котиби суд мажлисига даъвогар Ф.Шукурова келиб, жавобгар Б.Қаюмова суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган бўлсада келмаганлигини маълум қилди.

Раислик қилувчи даъвогар шахсини аниқлади:

Даъвогар:

Шукурова Феруза Ашировна,
11.11.1944 йилда Тошкент шаҳрида
туғилган, миллати: ўзбек, маъл:
олий, нафақахўр, яшаш жой:
Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани,

7-мавзе, 14-уй, 48-хонадон. Пасп:
AA2324250, 17.03.2015 йилда
Тошкент шаҳар -Чилонзор, ТҚИБ
томонидан берилган.

Шахсига оид саволлар бўлмади.

*Раислик қилувчи Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг
216-моддасига асосан суд таркибини эълон қилди ва рад қилиш
хуқуқини тушунтирди.*

Даъвогар Шукурова Ф.А.:

- Суд таркибига раддиялар йўқ,

*Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 217-моддаси талабига
асосан раислик этувчи томонидан даъвогарга унинг
процессуал хуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилди.*

Даъвогар Шукурова Ф.А.:

*-Хуқуқ ва мажбуриятларим тушунарли. Ишни жавобгар
Б.Қаюмовани иштирокисиз кўриб чиқилишини суддан сурайман.*

Чилонзор туман прокурор ёрдамчиси В.Балиевни фикри:

*- Мен ҳам ушбу фуқаролик ишни жавобгар
Б.Қаюмовани иштирокисиз, сиртдан кўриб чиқилишига
эътирозим йўқ*

*Даъвогар Ф.Шукуровадан ишни сиртдан кўриш хақида
ёзма ариза келиб тушди ва иш хужжатларига қўшиб қўйилди.*

*Суд, иш материалларини кўздан кечириб, алоҳида хонага
кириб кетди. Чикқач, ишни сиртдан кўриш тўғрисидаги суд
ажримини ўқиб эшиттирди.*

Суд мажлиси давом этади.

Раислик қилувчи даъво аризани ўқиб эшиттирди.

Даъвогар Шукурова Ф.: *даъвои қувватлайман.*

Саволлар ва илтимосномалар бўлмади.

Даъвогар Шукурова Ф.А.ни тушунтиришлари:

- Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 7-мавзе, 14-уй, 48-хонадон менга 27.05.2007 йилда расмийлаштирилган олди-сотди шартномасига асосан тегишли. Жавобгар ушбу хонадонда доимий рўйхатда турсада, 2018 йил 07 мартдан буён яшамайди. Коммунал тўловларни ўзим амалга ошириб келаман, бу менга моддий қийнчилик туғдириб келади. Жавобгар менинг келишим, лекин ўғлим билан келиша олмаганлиги сабабли 2018 йил 07 мартдан буён яшамайди. Ҳозирда ота-онасининг уйида, яъни Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани Чувалачи кўчаси 18 уйда яшаб келади. Суддан, жавобгар Қайумова Барно Ботировнани Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 7-мавзе, 14-уй, 48-хонадондан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топганини сўрайман.

Раислик қилувчини саволи:

- Ўзлингиз жавобгар билан никоҳдан ажратиш масаласи бўйича судга мурожаат қилганми?

Даъвогар Шукурова Ф.:

- Ўғлимни никоҳдан ажратиш масаласи судга кўрилаяпти;

Раислик қилувчини саволи:

- Жавобгар билан гаплаштингизми, балки у ўз хоҳиши билан уй-жойни рўйхатидан ўчиб кетишига рози бўлар?

Даъвогар Шукурова Ф.:

- Жавобгар ўз хоҳиши билан келиб пропискадан ўчиб кетишдан бош тортаяпти.

Раислик қилувчи суд мажлиси залига гувоҳни чақиртириб, унинг шахсини аниқлади:

Гувоҳ:

Галямова Рабия Миннигуловна,
01.11.1959 йилда Тошкент шаҳрида
тузилган, миллати: татар, маъл:
олий, и.ж: нафақахўр, я.ж: Тошкент
шаҳри, Чилонзор тумани, 7-мавзе,
14-уй,
53-хонадон. Пасп: АА1505155,
20.10.2014 й. Тошкент шаҳар
Чилонзор ТИИБ том. берилган.

Шахсига оид саволлар бўлмади.

Гувоҳ раислик этувчи томонидан била туриб ёлгон
кўрсатув берганлик, кўрсатув беришдан рад этганлик ёки буйин
товлаганлик учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 238-240
моддалари билан жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилди.

Гувоҳ Галямова Р.нинг кўрсатмаси:

- Даъвогарнинг қўшниси бўлман. Мен даъвогарнинг
юқори қаватидаги хонадонда яшайман. Жавобгар
даъвогарнинг келини эканини билман. Жавобгар 2018 йилнинг
07 мартдан буён даъвогарнинг уйида яшамайди, шу пайтгача
келганини кўрмадим. Даъвогарнинг оиласи – тинч оила. Келини
яшаган пайтларда уйида тез-тез уруш-жанжаллар бўлиб
турар эди.

Раислик қилувчини саволи:

- Даъвогарнинг келини Каюмова Барнони қачон охириги
марти кўргансиз?

Гувоҳ Галямова Р.:

- 2018 йил баҳор ойларидан буён жавобгарни кўрмадим, у
бу уйда яшамайди, барча мол-мулкларини олиб кетган.

Бошқа савол ва шикоятномалар бўлмади.

Суд иш ҳужжатларини ўрганиб чиқади:

Иш/в № 2 – низоли уй-жойни инвентарь ҳужжатлари;

Иш/в № 4 – 2019 йил 29 январда тузилган далолатнома;

Иш/в № 7 - даъвогар Шукурова Ф.ни турар жойдан маълумотнома;

Иш/в № 8 - жавобгар Қаямова Б.нинг паспорт нусхаси

Суд, иш ҳужжатларини текшириб, томонлар музокарасига ўтди.

Даъвогар Шукурова Ф.:

- Суддан даъвони қаноатлантиришини сурайман.

Чилонзор туман прокурор ёрдамчиси Балиев В.ни фикри:

- Даъво аризани қаноатлантириш учун асослар йўқ деб ҳисоблайман ва суддан Шукурова Ф.ни жавобгар Қаямова Барно Ботировнага нисбатан уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топши ҳақидаги даъво аризасини рад этишни сурайман.

Раислик қилувчи алоҳида хонага кириб кетди. Алоҳида хонадан чиқиб, сиртдан ҳал қилув қарорини ўқиб эшиттирди. Суд мажлиси баённомаси билан танишини тартиби ва сиртдан ҳал қилув қарори устидан шикоят келтириш муддатлари тушунтирилди.

Раислик қилувчи суд мажлисини ёпиқ деб эълон қилди.

Раислик қилувчи:

Суд мажлиси котиби:

**СУД МАЖЛИСИ
БАЁННОМАСИ**

(намуна биринчи инстанция суди учун)

2019 йил _____ ойининг _____ кuni фуқаролик ишлари буйича _____ туманлараро суди, _____ суди биносида, очиқ суд мажлисида,

Раислик қилувчи-судья: _____, _____ нинг котиблигида, _____ нинг таржимонлигида, туман прокуратураси прокурори ёрдамчиси _____, адвокат _____ нинг иштирокида, даъвогар _____ нинг жавобгар _____ ва бошқаларга нисбатан _____ ҳақидаги даъво аризасини _____-сонли фуқаролик иши хужжатлари асосида кўришни бошлади.

Суд мажлиси видеоконференцалоқа режимида, фуқаролик ишлари буйича _____ туманлараро суди ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари ходимлари _____ ва _____ ларнинг кўмагида ўтказилди. **(Суд мажлиси видеоконференцалоқа режимида ўтказилган ҳолларда).**

Раислик қилувчи суд мажлисини очиб, кўриладиган ишни ҳамда суд мажлиси аудио ва видео тарзида қайд этилишини эълон қилди.

Суд мажлиси котиби суд мажлисида тарафлардан кимлар қатнашаётганини, судда прокурор назоратини ким амалга оширишини ва ҳозир бўлган суд процессининг бошқа иштирокчиларини маълум қилди.

Раислик қилувчи суд мажлиси аудио ва видео тарзида қайд этилиши юзасидан ишда иштирок этувчиларнинг фикрини сўради.

Иштирокчилар бўлмади.

Раислик қилувчи ишида мавжуд бўлган куйидаги ёзма (ашёвий) далилларни эълон қилди:

Саволлар, қўшимча ва илтимосномалар бўлмади.

Даъвогар: _____ нинг иш юзасидан берган тушунтиришлари соат ___:___ да бошланиб, ___:___ да тугади.

Жавобгар: _____ нинг иш юзасидан берган тушунтиришлари соат ___:___ да бошланиб, ___:___ да тугади.

Гувоҳ _____ нинг иш юзасидан берган тушунтиришлари соат ___:___ да бошланиб, ___:___ да тугади.

Эксперт _____ нинг иш юзасидан берган тушунтиришлари соат ___:___ да бошланиб, ___:___ да тугади.

Мутахассис _____ нинг иш юзасидан берган тушунтиришлари соат ___:___ да бошланиб, ___:___ да тугади.

Раислик қилувчи суд музокараларини тинглашга ўтди:

Прокурор _____ нинг иш бўйича фикри: _____.

Музокара иштирокчиларининг фикри: _____.

Раислик қилувчи алоҳида хонага кирди, бир оз вақтдан кейин чиқиб суд ажримини ўқиб эшиттирди. Суд мажлиси ётиқ деб эълон қилинди.

Суд мажлиси аудио ва видео қайд этиши техник воситалардан фойдаланилган ҳолда ёзиб олинди.

Раислик қилувчи:

Суд мажлиси котиби:

**ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА БИРИНЧИ
ИНСТАНЦИЯ СУДИДА СУД МАЖЛИСИНИ ОЛИБ
БОРИШ ВА БАЁННОМА ЮРИТИШ ТАРТИБИ**

Амалий қўлланма

Мухаррирлар: М.Талипова
Мусахҳих: Г.Ибрагимова
Техник муҳаррир: Б.Ҳайдаров